

ISSN 218-8088

XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI

"XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI" JURNALI

Muassis:

"Xalq ta'limi" jurnali tahririyati DUK

PUBLIC EDUCATION BULLETIN

"PUBLIC EDUCATION BULLETIN" JOURNAL

2018


1-son

(yanvar-fevral)

Jurnal 2015-yildan chiqa boshlagan

(O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining 2014-yil 17-maydagi
137-sonli buyrug'i bilan tashkil etilgan)

TOSHKENT

Kirish	4
 O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining O'zbekiston Respublikasi umumiy o'rta maktablari uchun 2017-2018 o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasining tushuntirish xatiga o'zgartirish kiritish to'g'risida 2017-yil 31-oktabrdagi 343-sonli buyrug'i	5
 O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Yoshlar bilan ishlash jarayonlarini takomillashtirishga xizmat qiladigan namunaviy ta'lim muassasalarini tashkil etish to'g'risida 2017-yil 14-noyabrdagi 355-sonli buyrug'i	7
 O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Xalq ta'limi tizimida madaniy-ma'rifiy ishlar samaradorligini takomillashtirish hamda o'qituvchi va o'quvchilar uchun sayohatlar tashkil etish to'g'risida 2017-yil 20-noyabrdagi 357-sonli buyrug'i	18
 * O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida ta'lim-tarbiya jarayoni natijadorligini ta'minlashda xalq ta'limi boshqaruv idoralari va ta'lim muassasalari rahbarlari mas'uliyatini oshirish to'g'risida 2017-yil 1-dekabrdagi 367-son buyrug'i	25
 O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Xalq ta'limi tizimida nogironligi bo'lgan shaxslarni qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlari to'g'risida 2017-yil 4-dekabrdagi 373-son buyrug'i	28
 O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Xalq ta'limi tizimining har bir bo'g'in rahbarlari va o'rinbosarlarining shaxsiy ish reja asosida ish yuritish tizimini joriy etish to'g'risida 2017-yil 9-dekabrdagi 378-son buyrug'i	43
 O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Xalq ta'limi tizimida korrupsiyaga qarshi kurashish ishlarini yanada kuchaytirish chora-tadbirlari to'g'risida 2017-yil 11-dekabrdagi 384-son buyrug'i	45
 * O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Xalq ta'limi tizimidagi malaka oshirish kurslarini muvaffaqiyatli tugallagan pedagoglarning tajribasidan samarali foydalanish to'g'risida 2017-yil 26-dekabrdagi 392-son buyrug'i	48
 O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Xalq ta'limi tizim rahbar va mutaxassis xodimlarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish ishlarini yanada takomillashtirish to'g'risida 2017 yil 26-dekabrdagi 393-son buyrug'i	50
 O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Umumiy o'rta ta'lim muassasalarining chet tillar o'qituvchilari kasb mahoratini oshirish bo'yicha har haftalik kurslar yakuniy attestatsiyasini o'tkazish to'g'risida 2017-yil 20-dekabrdagi 389-son buyrug'i	53

* E'tibor qarating!

	O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 28-dekabrda "2018-yilda rasmiy sanalarni nishonlash davrida qo'shimcha ishlanmaydigan kunlarni belgilash va dam olish kunlarini ko'chirish to'g'risida"gi PF-5290-son farmoni ijrosini ta'minlash to'g'risida 2017-yil 29-dekabrda 398-son buyrug'i 63
	O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazining o'quv-ishlab chiqarish majmualari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida 2017-yil 29-dekabrda 79-sonli hamda 98-sonli qarori 65
	* O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Umumta'lim maktablari direktorlarining har oyda o'tkaziladigan o'quv seminarlarini tashkil etish to'g'risida 2018-yil 6-yanvarda 2-sonli buyrug'i 69
	O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Xalq ta'limi tizimida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish samaradorligini oshirish to'g'risida 2018-yil 8-yanvarda 8-sonli buyrug'i 72
	O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Xalq ta'limi tizimida qabul qilingan hujjatlarning 10 kun muddatda aylanish mexanizmini joriy etish to'g'risida 2018-yil 11-yanvarda 11-sonli buyrug'i 87
	* O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining O'ta-onalarga umumiy o'rta ta'lim muassasalari jamoasining 2018-yilga mo'ljallangan reja va ustuvor vazifalarining taqdimotini tashkil etish to'g'risida 2018-yil 6-yanvarda 1-sonli buyrug'i 96
	* O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Aniq, tabiiy, gumanitar va filologiya fanlaridan tayanch maktablarni tashkil etish haqida 2018-yil 6-yanvarda 6-sonli buyrug'i 102
	O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashining O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi vazirligi hamda O'zbekiston ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi o'rtasida 2015-2017-yillar uchun tuzilgan tarmoq kelishuvining 2017-yildagi ijrosi hamda 2018-2020-yillar uchun tarmoq kelishuvini tuzish to'g'risida 2017-yil 26-dekabrda 76-sonli, hamda 10-29c-sonli qo'shma qarori 105

KIRISH

Ta'lim sohasining muhim bo'g'inlaridan bo'lgan malaka oshirish va qayta tayyorlash tizimi keyingi paytda o'zining yangi rivojlanish davriga o'tdi. Ayniqsa, hududlardagi malaka oshirish institutlari oliy ta'lim muassasasi hu-zuriga o'tkazilgach, ta'lim sifati va samaradorligini ta'minlash ishlari yanada rivojlana boshladi.

Xususan, o'qituvchilarning kasbiy mahoratini uzluksiz oshirib borish maqsadida Xalq ta'limi vazirining "Xalq ta'limi tizimidagi malaka oshirish kurslarini muvaffaqiyatli bitirgan tugallagan pedagoglarning tajribasidan samarali foydalanish to'g'risida"gi buyrug'i qabul qilindi. Unga ko'ra, 2018-yil yanvar oyidan boshlab o'z mutaxassisliklari bo'yicha malaka oshirib qay-tgan pedagoglar tomonidan bir oy muddat ichida o'z ta'lim muassasasi o'qituvchilari uchun interfaol seminar va mahorat darslarini o'tkazishi orqali o'zaro tajriba almashish tizimi joriy etildi. Bu o'z navbatida tizimga innovat-sion pedagogik va axborot texnologiyalarini keng joriy etish, ilg'or o'qituv-chilarning ish tajribasini ommalashtirish, ta'lim tizimidagi yangiliklarni munta-zam ravishda o'qitish amaliyotini tatbiq etishga xizmat qiladi.

Ma'lumki, hozirgi kunda 10-sinf o'quvchilari haftaning bir kunida o'quv-ishlab chiqarish majmualari (O'ICHM)da o'zlari yoqtirgan kasb-hunar-ni o'rganishayapti. Xalq ta'limi vazirligi va Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazir-ligining O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazining qarori ushbu majmu-alarni yanada rivojlantirishga qaratilgani bilan ahamiyatlidir. "O'quv-ishlab chiqarish majmualari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida" deb nomlangan mazkur qarorda O'ICHMlarda o'rgatilayotgan kasblarning malaka talablari, o'quv rejalari va dasturlarini takomillashtirib borish hamda har bir kasb bo'y-cha alohida mualliflar guruhini shakllantirish, ular uchun zarur shart-sharoit-lar yaratish va materiallar bilan ta'minlash kabi muhim vazifalar belgilangan.

Bugungi kunda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT)siz ta'lim tizimini tasavvur etish qiyin. Xalq ta'limi vazirining "Xalq ta'limi tizimida ax-borot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish samaradorligini oshi-rish to'g'risida"gi buyrug'ida barcha ta'lim muassasalarida AKTdan foyda-lanish zarurligi, bu jarayonni muntazam takomillashtirib borish, dars jara-yonini elektron darsliklardan foydalangan holda tashkil etish kabi bir qator muhim vazifalar belgilangan.

Jurnalning ushbu sonida chop etilayotgan qaror va buyruqlar ta'lim tizimida faoliyat yuritayotgan pedagog-o'qituvchilarning huquqiy bilimla-ri oshishiga, ularni ijrosini ta'minlashga mas'uliyat bilan yondashishlariga xizmat qiladi.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2017 йил 31 октябрь

343-сонли

Б У Й Р У Қ И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УМУМИЙ ЎРТА МАКТАБЛАРИ УЧУН 2017-2018 ЎҚУВ ЙИЛИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАЯНЧ ЎҚУВ РЕЖАСИНИНГ ТУШУНТИРИШ ХАТИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 июлдаги 803-Ф-сон фармойиши ҳамда мазкур фармойишга мувофиқ Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2017 йил 27 июлдаги 37- ва 60-ққ-сонли қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2017 йил 15 майдаги 165-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта мактаблари учун 2017- 2018 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режасига тушунтириш хатининг (бундан буён матнда тушунтириш хати деб юритилади) 2-банди 2-хатбошидан кейин қуйидаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Х синфларда “муассаса ихтиёридаги соатлар”га ажратилган 1 (бир) соат ҳисобидан таълим қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари хоҳишига қараб рус тили фани ўқитилиши мумкин.

Ушбу фаннинг ўқитилиши Республика таълим марказининг тавсиялари асосида, тегишли ўқув дастурлари ва тақвим-мавзу режаларга мувофиқ ташкил этилади”.

2. Тушунтириш хатининг 3-банди 4-хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 июлдаги 803-Ф-сон фармойиши ҳамда мазкур фармойишга

мувофиқ Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2017 йил 27 июлдаги 37- ва 60-ққ-сонли қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълим муассасаларининг X-XI синфлари учун ўқув режа ва унинг тушунтириш хатига мувофиқ X-XI синфларда “Дунё динлари тарихи” фани ўқитилиши муносабати билан VIII синфларда тарих дарслари 102 соатлик (Ўзбекистон тарихи 51 соат, Жаҳон тарихи 51 соат) дастур асосида, IX синфларда “Дунё динлари тарихи” фани ҳафтасига 1 соатдан ўқитилади.”.

3. Тушунтириш хатининг 5-банди 5-хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“VII – VIII синфларда 17 соат “Адабиёт”, “Тарих”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида ўқитилади.”.

4. Тушунтириш хатининг 14-банди 2-хатбошидан кейин куйидаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“V-IX синфларда “Технология”, VIII-X синфларда “Жисмоний тарбия”, X синфда “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанлари бўлинмасдан ўқитилганда, дарс машғулотлари интеграциялашган ўқув дастурлари асосида олиб борилади.

Ушбу фанларнинг ўқитилиши Республика таълим марказининг тавсиялари асосида, тегишли ўқув дастурлари ва тақвим-мавзу режаларга мувофиқ ташкил этилади.”.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 14 ноябрь

355-сонли

Б У Й Р У Қ И

**ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН НАМУНАВИЙ
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 2 августда ўтказилган Умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда босқичма-босқич 11 йиллик мажбурий ўрта таълимни жорий этиш масалаларига бағишланган мажлис баёнининг 14-банди ижросини таъминлаш, ҳар бир ҳудудда ёшлар билан ишлаш жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қиладиган биттадан намунавий таълим муассасасини ташкил этиш ҳамда улардаги самарали ва илғор иш тажрибаларини бошқа таълим муассасаларига оммалаштириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ёшлар билан ишлаш жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қиладиган намунавий таълим муассасалари (кейинги ўринларда матнда намунавий таълим муассасаси деб юритилади) рўйхати 1-иловага, намунавий таълим муассасаларига ва унда фаолият кўрсатадиган ёшлар етакчисига қўйиладиган талаблар 2-иловага, намунавий таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тавсиялар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, халқ таълими туман (шаҳар) бўлимлари мудирларига:

икки ҳафта муддатда намунавий таълим муассасасининг фаолиятини тасдиқланган талаблар ва тавсиялар асосида йўлга қўйиш;

намунавий таълим муассасаси ва унда фаолият кўрсатаётган ёшлар етакчисининг самарали ва илғор иш тажрибаларини доимий равишда бошқа таълим муассасаларида оммалаштириб борилиши бўйича вазирликнинг Ўқувчи ва ёшлар билан ишлаш бошқармаси (А.Абдуллаев)га ҳар чорак якунлари бўйича навбатдаги ойнинг 5-санасида маълумот киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

3. Ўқувчи ва ёшлар билан ишлаш бошқармаси (А.Абдуллаев) ҳудудларда ташкил этилган намунавий таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этилишини назоратга олсин ҳамда доимий амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳар чорак якунида вазирлик раҳбариятига таҳлилий маълумот киритиб борсин.

4. Матбуот котиби (Б.Шайвалиев)га намунавий таълим муассасалари ва ёшлар етакчиларининг фаолиятини мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилишини ташкил этиш тавсия этилсин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Саъдуллаев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

*Халқ таълими вазирининг
2017 йил 14 ноябрдаги
355-сонли буйруғига
1-илова*

**Ёшлар билан ишлаш жараёнларини такомиллаштиришга
хизмат қиладиган намунавий таълим муассасалари
РЎЙХАТИ**

№	Худудлар	Намунавий таълим муассасалари
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳридаги 17-сонли умумтаълим мактаби
2.	Андижон вилояти	Андижон туманидаги 36-ихтисослаштирилган мактаб интернат
3.	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳридаги 35-сонли умумтаълим мактаби
4.	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳридаги 21-сонли умумтаълим мактаби
5.	Сирдарё вилояти	Гулистон шаҳридаги 16-сонли умумтаълим мактаби
6.	Сурхондарё вилояти	Сариосиё туманидаги 3-сонли умумтаълим мактаби
7.	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳридаги Ҳ.Олимжон ва Зулфия номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат
8.	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳридаги 23-сонли умумтаълим мактаби
9.	Навоий вилояти	Навоий шаҳридаги 12-сонли умумтаълим мактаби
10.	Наманган вилояти	Наманган шаҳридаги 15-сонли умумтаълим мактаби
11.	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳридаги 15-сонли умумтаълим мактаби
12.	Хоразм вилояти	Гурлан туманидаги 6-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби
13.	Тошкент вилояти	Ангрен шаҳридаги 18-сонли умумтаълим мактаби
14.	Тошкент шаҳри	Шайхонтохур туманидаги 324-сонли умумтаълим мактаби

Изоҳ: Рўйхатда келтирилган намунавий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ёшлар етакчилари жорий йил 16-21 октябрь кунлари Тошкент шаҳридаги “Вестминстер” университетида ўтказилган бир ҳафталик “Республика ёшлар етакчилари ўқув-тренинглари”да иштирок этган ва уларда намунавий таълим муассасасида бажарилиши лозим бўлган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тегишли кўникмалар шакллантирилган.

Халқ таълими вазирининг
2017 йил 14 ноябрдаги
355-сонли буйруғига
2-илова

Ёшлар билан ишлаш жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қиладиган намунавий таълим муассасаларига ва унда фаолият кўрсатадиган ёшлар етакчисига қўйиладиган талаблар

Ёшлар билан ишлаш жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қиладиган намунавий таълим муассасалари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1. Таълим муассасасида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг бошланғич ташкилоти етакчиси белгиланган тартибда сайланган ва уларнинг фаолияти йўлга қўйилган бўлиши.

2. Ёшлар етакчисининг хонаси барча қулайликларга эга бўлиши, янгича усулдаги парта ва стуллар билан жиҳозланиши, замонавий АКТ техникалари билан таъминланиши.

3. Намунавий таълим муассасаларида Ёшлар етакчиси, психолог ва Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раисининг самарали ҳамкорлик фаолияти йўлга қўйилиши.

4. Намунавий таълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар билан самарали ишлаш бўйича директор, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, ёшлар етакчиси, психолог, ИИБ профилактика нозирини, маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси, мактаб ота-оналар кўмитаси раисидан иборат жамоат кенгаши шакллантирилиши ва уларнинг вазифалари белгилаб берилиши.

5. Намунавий таълим муассасаларида ИИБ профилактика нозирини, маҳалла оқсоқоли учун хоналар ташкил этилиши.

6. Намунавий таълим муассасаларида хорижий тиллар бўйича

тўғараклар ташкил қилинган бўлиши.

7. Намунавий таълим муассасаларида АКТ (Ахборот коммуникация технологиялари) бўйича тўғараклар ташкил қилинган бўлиши.

Ёшлар билан ишлаш жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қиладиган намунавий таълим муассасаларида фаолият кўрсатадиган ёшлар етакчисига қўйиладиган талаблар

1. Ёшлар етакчисининг рус тилини эркин мулоқот қилиш даражасида билиши ва инглиз тилини 3 ой муддатда А2 даражасида, 6 ой ичида В1 даражасида ўрганиш.

2. “Муваффақият мактаби” номли ўқувчи-ёшларнинг шахсий ривожланишига қаратилган тренинглар олиб бориладиган лойиҳа фаолиятини йўлга қўйиш.

3. “Қизларжон” номли ўқувчи-қизларнинг шахсий ривожланишига қаратилган тренинглар олиб бориладиган лойиҳа фаолиятини йўлга қўйиш.

4. “Мунозара” клубини йўлга қўйиш ва унинг доирасида болаларнинг дунёқарашини ва нутқини ўстиришга қаратилган мавзуларда мунозаралар ташкил этиш.

5. Ўқувчи-ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиши учун ёшлар етакчиси ва жисмоний тарбия ўқитувчиси ўзаро ҳамкорликда енгил атлетика, спортнинг ўйин турлари, гимнастика бўйича тўғарак ва тимли спорт мусобақаларини йўлга қўйиши.

6. “Заковат” ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган ўйинларни олиб бориш.

Халқ таълими вазирининг
2017 йил 14 ноябрдаги
355-сонли буйруғига
3-илова

**Ёшлар билан ишлаш жараёнларини такомиллаштиришга
хизмат қиладиган намунавий таълим муассасаси фаолиятини
йўлга қўйиш бўйича
ТАВСИЯЛАР**

**I. НАМУНАВИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВЧИ-
ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
ШАКЛЛАНТИРИШ.**

Намунавий таълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар билан ишлаш бўйича жамоатчилик кенгаши шакллантирилади. Ушбу кенгаш 8 кишидан иборат бўлиб, жамоатчилик кенгаши раиси (мактаб директори), аъзолари: маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, мактаб амалиётчи психологи, ёшлар етакчиси, Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси, профилактика нозир, маҳалла оқсоқоли, мактаб ота-оналар кўмитаси раиси кенгаш таркибига киритилади. Кенгаш ойда бир марта мактабда ўқувчи-ёшлар билан ишлаш жараёнида учраган муҳим масалалар ва муаммоларни биргаликда ечиш юзасидан йиғилиш ташкил этишлари лозим. Намунавий таълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар билан ишлаш бўйича жамоат кенгаши аъзоларининг вазифалари қуйидаги тарзда белгилаб берилади.

Директор:

- Ёшлар етакчиси томонидан кўрсатилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш;

- Ёшлар етакчиси томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирларни қўллаб-қувватлаш ва уларда иштирок этиш.

- Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси ва “Қизларжон” баркамол қизлар клуби сардори билан ҳамкорликда ўтказиладиган барча катта тадбирлар, танловлар ва мастер-классларда иштирок этиш.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари:

- Ёшлар етакчиси томонидан кўрсатилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва уларни амалга оширишига шароит яратиш.

- Ёшлар етакчиси томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирларни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишига шароит яратиш.

- Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси ва “Қизларжон” баркамол қизлар клуби сардори билан ҳамкорликда ўткази-

ладиган барча катта тадбирлар, танловлар ва мастер-классларнинг ўтказилишига амалий ёрдам кўрсатиш.

Намунавий таълим муассасасининг амалиётчи психологи:

- Ўқувчи ёшларнинг барқарор психологик ривожланишини таъминлаш ва бунга таъсир қилувчи омилларни психологик усуллар билан аниқлаш.

- Психопрофилактик, коррекцион-ривожлантирувчи тадбирларни индивидуал ва кичик гуруҳларда ташкил этиш.

- Ўқувчи-ёшларда учрайдиган индивидуал психологик муаммолар ва диний оғишларни бартараф этишда синф раҳбари, ёшлар етакчиси, маҳалла оқсоқоли, участка нозири ва оила билан ҳамкорлик ўрнатиш.

- Эҳтиёжга қараб мактаб педагогик жамоа ва оилалар билан психологик коррекцион ва ривожлантирувчи фаолиятни амалга ошириш.

Намунавий таълим муассасасининг ёшлар етакчиси:

- Ўқувчилар учун “Муваффақият мактаби”ни ташкил қилиш ва унда шахсий ривожланиш тренингларини ўтиш, заковат интеллектуал ўйинларини, мунозара клубини ташкил этиш ва амалга ошириш.

- Жисмоний тарбия ўқитувчиси билан биргаликда спортнинг ўйин турлари, энгил атлетика, гимнастика тўғараклар ва мусобоқалар ташкил этиш.

- “Ёшлар иттифоқи” сардорлари ва “Камалак” сардорлари билан белгиланган режа асосида ишлаш.

- Фаолиятида синф раҳбари, мактаб амалиётчи психологи, маҳалла оқсоқоли, участка нозири ва оила билан ҳамкорлик ўрнатиш.

Маҳалла оқсоқоли билан биргаликда:

- Ўқувчи ёшлар билан ишлашнинг янги самарали технологияларини амалиётга татбиқ этиш, яъни ўқувчи ёшлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш ва бартараф қилишга қаратилган тадбирларни ташкил қилиш.

- Ўқувчи ёшлар ва уларнинг оилалари билан маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб боришда синф раҳбари, мактаб амалиётчи психологи, участка нозири ва оила билан ҳамкорлик ўрнатиш.

- Ўқувчи ёшлар билан индивидуал ва кичик гуруҳларда очиқ тарбиявий мулоқотлар уюштириш.

Намунавий таълим муассасасига бириктирилган ҳудудий профилактика инспектори билан биргаликда:

- Ўқувчи ёшлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш ва бартараф қилишга қаратилган тадбирларни ташкил қилиш.

- Ўқувчи ёшлар билан профилактик индивидуал ва кичик

гуруҳларда яқин мулоқотлар уюштириш.

- Фаолиятида синф раҳбари, маҳалла оқсоқоли, мактаб амалиётчи психологи ва оила билан ҳамкорлик ўрнатиш.

Намунавий таълим муассасанинг Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси билан биргаликда:

- Мактабдаги ўқувчи-қизлар билан боғлиқ ҳамма масалаларни ўз назоратига олиш;

- Мактабдаги “Қизларжон” баркамол қизлар клуби сардорини тайинлаш;

- “Қизларжон” баркамол қизлар клуби доирасида ўтаётган барча тадбирларни ўз назоратига олиш ва амалий тарзда ёрдам бериш;

- Клубнинг кейинги ривожланиши учун клуб сардори билан бирга янги лойиҳалар, танловлар, қизиқарли мастер-классларни ташкиллаштириш устида ишлаш.

II. “МУВАФФАҚИЯТ МАКТАБИ” ЛОЙИХАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Маъсул ходим: Мактаб ёшлар етакчиси

Изоҳ: *Мазкур лойиҳа «Муваффақият мактаби» деб аталиб, ўқувчи ёшларнинг барқарор, шахсий, ижтимоий, психологик ривожланишларини таъминлашни мақсад қилган*

Мақсадли гуруҳ: Юқори синф ўқувчилари (6-11 синф)

Амалга ошириш тизими: Ҳафтанинг чоршанба куни, ҳар чоршанба, 1 соат давомида қуйида белгиланган мавзуларда тренинг машғулотлари олиб борилади (30 ҳафта):

1. Самарали мулоқот ўрнатиш .
2. Ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланиш.
3. Мулоқот тўсиқларини бартараф этиш .
4. Тинглаш кўникмалари.
5. Тақдимот кўникмалари.
6. Чиройли нутқ тайёрлаш.
7. Нотиқлик кўникмалари.
8. Ўзига бўлган ишончни ошириш.
9. Фикрини етказиб бериш.
10. Самарали ёзиш кўникмалари (мақола, мустақил иш).
11. Интернетдан унумли фойдаланиш (электрон почта ва хатлар ёзиш, “Google”дан фойдаланиш)
12. Қизиқарли мақола ёзиш.
13. Қайта алоқа ўрнатиш.
14. Психологик маданият кўникмалари.
15. Психологик ресурсларни шакллантириш .
16. Новербал мулоқот кўникмалари.
17. Тана тили.

18. Лидерлик кўникмалари.
19. Жамоа билан ишлаш.
20. Ижтимоий этика кўникмалари.
21. Ҳуқуқий маданият кўникмалари.
22. Мотивация бериш кўникмалари (ўзига ва бошқаларга).
23. Танқидий тафаккурни ривожлантириш.
24. Низоларни бартараф этиш.
25. Карьера қуриш .
26. Вақтни бошқариш.
27. Тўғри қарор қабул қилиш.
28. Мақсад қўйиш.
29. Ижодий тафаккурни ривожлантириш.
- 30.Замонавий лидер сифатлари (АКТ ва чет тиллари).

III. “МУНОЗАРА КЛУБИ”НИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Маъсул ходим: Мактаб ёшлар етакчиси

Изоҳ: Мазкур клуб “Мунозара клуби” деб аталиб, ўқувчи ёшларнинг мустақил ва асосли фикрлаш, ўз фикрини билдириш, танқидий ва таҳлилий тафаккур юритиш, конструктив мунозара олиб бориш кўникмаларини ривожлантиришни мақсад қилган.

Мақсадли гуруҳ: Юқори синф ўқувчилари (6-11 синф)

Амалга ошириш тизими: Ҳафтанинг пайшанба куни, икки ҳафтада бир марта, 1 соат давомида қуйида белгиланган мавзуларда мунозара олиб борилади (15 ҳафта):

1. Телевизор ёшларни дангаса ва тажовузкор қилмоқда.
2. “Fast food” (тез тайёрланувчи овқатлар) мактабларда ман этилиши.
3. Ижтимоий тармоқларнинг фойдали ёки зарарлари томонлари.
4. Тажовузкор видео ўйинларни ўйнаш ёшларга ман этилиши керак.
5. Мактабларда қизлар ва ўғил болалар алоҳида ўқиши керак.
6. Техник ривожланиш ҳаётимизни ёмон томонга ўзгартирди.
7. Пул – бу бахт.
8. Кўчирмачилик - бу санъат.
9. Инсонлар экологияга зарар кўрсатмоқдалар.
10. Тамаки махсулотлар ман этилиши керак.
11. Баҳо учун ўқиш керакми ёки билим учун?
12. Интернет бепул бўлиши керак.
13. Севги ёш танламайди.
14. Бой, аммо адолатсиз бўлиш ночор, аммо адолатли бўлишдан кўра яхши.
15. Инсонлар яшаш учун ейиш керакми ёки ейиш учун яшаш керакми?

16. Шаҳарда яшаш қишлоқда яшашдан кўра яхшироқ.
17. Инсон касбни танлайдими ёки касб инсонни танлайдими?
18. Чет давлатда таълим олиш муҳимми?
19. Оилада фарзанд тарбияси билан ота шуғулланиши керакми

ёки онами?

IV. “ЗАКОВАТ” ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҲИЙИНАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Маъсул ходим: Мактаб ёшлар етакчиси

Изоҳ: Мазкур лойиҳа “Заковат” интеллектуал ҳиЙини деб аталиб, ўқувчи ёшларнинг дунёқарашини бойитишга ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган.

Мақсадли гуруҳ: Барча синф ўқувчилари

Амалга ошириш тизими: “Заковат” интеллектуал ҳиЙини мактаб ўқувчиларини синфига қараб икки гуруҳга бўлган ҳолда олиб борилади: бошланғич синф ўқувчилари учун (1-4) ва юқори синф ўқувчилари учун (6-11). “Заковат” интеллектуал ҳиЙини 2 раунд давомида 12 савол билан ўйналади. ҲиЙин давомида бериладиган саволларни ёшлар етакчиси фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда бошланғич синфлар учун алоҳида, юқори синфлар учун алоҳида (уларнинг ёшига мос тарзда) тузади. Ҳафтанинг пайшанба кунини, икки ҳафтада бир марта, 1 соат давомида қуйида белгиланган қоидалар асосида олиб борилади (15 ҳафта);

1. Жамоа тузилиши тартиби:

- ҳар бир жамоа таркибида 6 та иштирокчи бўлиши;
- жамоа сардори тайинланиши;
- жамоанинг номи бўлиши;
- иштирокчилар ва жамоанинг номи акс эттирилган рўйхати топширилиши;

2. ҲиЙиннинг ўтказилиш тартиби:

- 2 раунддан иборат бўлган жами 12 савол;
- ҳар бир саволга ўйлаш учун 1 дақиқа вақт ажратилади;
- жавоблар қоғозда ёзма ҳолатда бошловчига тақдим этилади;
- жавобларни топшириш учун 15 сония берилади;
- аниқ жавоблар ўйлаш учун берилган 1 дақиқадан сўнг эълон қилинади;
- ҳар бир турдан сўнг жамоалар рейтингини ва турнир жадвали эълон қилинади;

- интернет ва техника воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

Бундай ҳолат кузатилса, бошловчи жамоадан 1 балл олиб ташлайди;

3. Савол турлари:

- блиц саволлар (20 сониядан 3 та савол = 1 дақиқа);
- интернет-савол;

- ўқув-дарсликлардан савол;
- бадиий китоблардан ва бошқа манбалардан саволлар;
- 4. Тақдирлаш маросими:
 - танлов якунида ғолиб баллар нисбатига кўра аниқланади;
 - ғолиб ва совриндорлар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланади;
 - энг фаол иштирокчилар Республика “Заковат” интеллектуал ўйинига таклиф этилади;
 - энг сара ўйинлар “Болажон” телеканали орқали ёритилади.

V. “ҚИЗЛАРЖОН” БАРКАМОЛ ҚИЗЛАР КЛУБНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Маъсул ходимлар: Мактаб ёшлар етакчиси ва Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси

Изоҳ: *“Қизларжон” баркамол қизлар клуби деб аталиб, бу лойиҳа ўқувчи қизлардаги ижтимоий фаолликни оширишга, уларнинг иқтидорини аниқлаш, истеъдодини юзага чиқариш, уларни шахсий, интеллектуал ривожлантириш, улардаги психологик муаммоларни бартараф қилиш, уларнинг муаммолари билан ишлаш ва юқори синфлардаги ўқувчи қизларни оиллага тайёрлашга қаратилган. Клуб 4 йўналишдан иборат: 1. Психология ва миллий қадриятлар; 2. Касбга йўналтириш ва тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқтириш (10-11синф ўқувчи қизларини); 3. Ижод ва санъат; 4. Спорт ва соғлом турмуш тарзи.*

Мақсадли гуруҳ: Юқори синф ўқувчи қизлари (8-11 синф)

Амалга ошириш тизими: 1 ой ичида 4 марта 4 йўналишга оид клуб учрашувларини ўтказиш.

1 ҳафта: сўровнома асосида қизлар учун муҳим бўлган мавзуларда психологик тренинг ўтказиш, муаммоли қизлар билан индивидуал ишлаш, қизларда миллий қадриятлар тизимини психологик жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган учрашув ва тадбирлар уюштириш;

2 ҳафта: хунармандчилик, тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқтириш ва касбга йўналтиришга қаратилган маҳорат дарслари ўтказиш;

3 ҳафта: ижод ва санъат йўналиши бўйича ҳудуддаги намунали ижодкор аёллар билан учрашув ёки ўқувчи қизларнинг ижодий ишларини намоиш қилишга қаратилган кўргазма ташкил қилиш;

4 ҳафта: жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзи бўйича спортчилар, шифокорлар ва мутахассислар билан семинарлар ташкил қилиш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 20 ноябрь

357-сонли

Б У Й Р У Қ И**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ
ИШЛАР САМАРДОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА
ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИЛАР УЧУН САЁҲАТЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА**

Болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризми, оилавий туризми ривожлантириш ҳисобига туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш, ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 ноябрдаги 25/1-2683-сонли чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 ноябрдаги 25/1-2683-сонли чора-тадбирлар дастури ижро учун қабул қилинсин.

2. 2017-2018 йиллар давомида ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари ходимлари ва ўқитувчиларнинг Хива шаҳрига ташрифи бўйича умумий тақсимот режа жадвали 1-иловага, умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчиларининг Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларига уюшган саёҳатларини ташкил этиш режа-жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2017-2018 йиллар давомида ўқувчилар, ўқитувчи ва ходимлар учун саёҳатлар уюштириш бўйича харажатлар ходимлар, ўқитувчи ва ота-оналарнинг ташаббуслари асосида ҳамда ҳомийлар ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, республика ташкилотлари раҳбарларига:

2017 йил 30 ноябрь кунига қадар ўқувчилар, ўқитувчи ва ходимларнинг тарихий обидалар билан яқиндан таништириш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш мақсадида ҳудудларга саёҳатларни тизимли равишда ташкил этиш бўйича 2017-2018 йиллар учун алоҳида режа-дастур ишлаб чиқиш ва ҳар бир ҳудудга масъулларни бириктириш;

ўқувчилар, ўқитувчи ва ходимларнинг режа-дастур асосида саёҳатларга олиб чиқиш ҳақидаги маълумотларни 2017 йил декабрь ойдан бошлаб, 2018 йил декабрь ойига қадар ҳар чоракнинг 10-санасигача 3-иловадаги жадвал асосида вазирликнинг Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармасига (b.aminov@xtv.uz электрон манзилига) тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 ноябрдаги 25/1-2683-сонли чора-тадбирлар дастурига мувофиқ уюшган тарзда ўқувчилар, ўқитувчилар ва ходимларнинг саёҳатларга олиб чиқиш жараёнида:

хавфсизликни таъминлаш Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилиши;

ташкilotларнинг мурожаатига кўра транспорт ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини аниқлашда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалий ёрдам кўрсатилиши;

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун ташкил этиладиган саёҳатларга ташкilotларнинг мурожаатларига кўра “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тегишли вилоятлар бўйлаб темир йўл қатновлари учун имтиёзли чипталар ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Вазирликнинг Матбуот котиби (Б.Шайвалиев)га Республика ташкilotлари, ҳудудларда ўқувчилар, ўқитувчи ва ходимларнинг режа-дастур асосида саёҳатларга олиб чиқиш жараёнини доимий равишда оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш вазифаси юклатилсин.

7. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, назорат ва таҳлил бошқармаси (К.Инаков) мазкур буйруқни 1 кун муддатда вазирлик тасарруфидаги Республика ташкilotлари ва ҳудудий халқ таълими бошқарув идораларига етказсин.

8. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Саъдуллаев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 20 ноябрдаги
357-сонли буйруғига 1-илова

2017-2018 йиллар давомида ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари ходимлари ва
ўқитувчиларнинг Хива шаҳрига ташрифи бўйича умумий тақсимот
РЕЖА-ЖАДВАЛИ

№	Ташкилотлар	Ойлар												ЖАМИ
		2017 йил декабрь	2017 йил январь	2018 йил февраль	2018 йил март	2018 йил июнь	2018 йил июль	2018 йил август	2018 йил ноябрь	2018 йил декабрь				
	Жами	8969	5957	5782	2601	2499	5115	1148	5402	5796	43269			
1	Қорақалпоғистон Республикаси	610	380	360	160	150	320	70	340	360	2750			
2	Андижон вилояти	720	475	460	200	190	410	90	430	460	3435			
3	Бухоро вилояти	560	330	320	180	170	280	30	290	320	2480			
4	Жиззах вилояти	505	290	270	120	100	240	40	250	270	2085			
5	Қашқадарё вилояти	920	660	640	280	280	590	140	610	640	4760			
6	Навоий вилояти	430	240	230	105	100	205	30	220	240	1800			
7	Наманган вилояти	720	450	430	280	270	390	110	410	430	3490			
8	Самарқанд вилояти	860	630	630	300	300	580	140	605	630	4675			
9	Сурхондарё вилояти	770	530	520	210	200	450	116	490	520	3806			
10	Сирдарё вилояти	380	280	270	100	100	220	30	240	270	1890			

11	Тошкент вилояти	670	460	450	170	157	380	100	410	450	3247
12	Фарғона вилояти	820	570	560	250	240	510	130	520	560	4160
13	Хоразм вилояти	570	370	360	134	130	310	80	330	360	2644
14	Тошкент шаҳар	410	280	270	100	100	218	30	245	274	1927
15	Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	4	2	2	2	2	2	2	2	2	20
16	Филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	4	2	2	2	2	2	2	2	2	20
17	Хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	4	2	2	2	2	2	2	2	2	20
18	Tabiiy фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	4	2	2	2	2	2	2	2	2	20
19	Профилли меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	4	2	2	2	2	2	2	2	2	20
20	Мирзо Улугбек номидаги математика, астрономия, физика ва информатика фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	4	2	2	2	2	2	2	2	2	20

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган график асосида умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчи ва ходимлари сонига нисбатан ўртача тақсимланади.

Халқ таълими вазирининг 2017 йил 20 ноябрдаги
357-сонли буйруғига 2-илова

Халқ таълим бошқарув идоралари ходимлари, ўқитувчи ва ўқувчиларининг Самарқанд, Бухоро ва
Хоразм вилоятларига уюшган саёхатларини ташкил этиш
РЕЖА-ЖАДВАЛИ

№	Ташкилотлар	Ойлар										ЖАМИ	
		2018 йил январь	2018 йил февраль	2018 йил март	2018 йил июнь	2018 йил июль	2018 йил август	2018 йил ноябрь	2018 йил декабрь	2018 йил январь			
	Жами	1500	1500	1500	1500	1500	1500	1500	1500	1500	1500	1500	12000
1	Халқ таълими вазирлиги	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	16
2	Қорақалпоғистон Республикаси	88	88	88	88	88	88	88	88	88	88	88	704
3	Андижон вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	800
4	Бухоро вилояти	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	720
5	Жиззах вилояти	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	720
6	Қашқадарё вилояти	140	140	140	140	140	140	140	140	140	140	140	1120
7	Навоий вилояти	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	480
8	Наманган вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	800
9	Самарқанд вилояти	170	170	170	170	170	170	170	170	170	170	170	1360
10	Сурхондарё вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	800

11	Сирдарё вилояти	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	480
12	Тошкент вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	800
13	Фаргона вилояти	150	150	150	150	150	150	150	150	150	150	150	150	1200
14	Хораам вилояти	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	720
15	Тошкент шахар	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	800
16	Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	80
17	Филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	80
18	Хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	80
19	Табий фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	80
20	Профилли меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	80
21	Мирзо Улугбек номидаги математика, астрономия, физика ва информатика фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	80

*Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган график асосида умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчи ва ўқитувчилари сонига нисбатан ўртача тақсимланади.

Халқ таълими вазирининг 2017 йил 20 ноябрдаги
357-сонли буйруғига 3-илова

Ўқувчилар, ўқитувчи ва ходимларнинг режа-дастур асосида саёхатларга олиб чиқиш ҳақидаги
маълумотлар

т/р	Худудлар	Саёхат уюштирилаётган ҳудудлар							
		Самарқанд вилояти		Бухоро вилояти		Хоразм вилояти		Хоразм вилояти	
		Ўқитувчилар сон	Ходим- лар сон	Ўқувчилар сон	Ўқитувчилар сон	Ходимлар сон	Ўқитувчилар сон	Ходимлар сон	Ўқувчилар сон
1.									
2.									
3.									
	Жами								

Бошқарма бошлиғи

имзо/муҳр

Ф.И.Ш

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 1 декабрь

367-сон

Б У Й Р У Қ И

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ НАТИЖАДОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИ ВА
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАЎБАРЛАРИ МАСЪУЛИЯТИНИ
ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини оширишда халқ таълими бошқаруви идоралари, таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог ходимларининг масъулиятини ҳамда шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман(шаҳар) халқ таълими бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари деб юритилади) раҳбарларига:

умумий ўрта таълим муассасаларида (кейинги ўринларда таълим муассасаси деб юритилади) амалга ошириладиган таълим ва тарбия жараёнининг ташкилий, педагогик ва методик жиҳатдан самарали ташкил этилишини ҳафтасига камида бир марта режали назоратга олинишини таъминлаш;

таълим муассасаларида дарс жадвалининг белгиланган норматив талаблар асосида тузилганлигини танқидий таҳлил этиш, ўқувчилар ва ота-оналар кўриши ва ўқиши учун қулай жойга ўрнатилишини таъминлаш;

ўқитувчиларнинг дарсларга тайёргарлик кўриши, дарс жараёнида қўшимча адабиётлардан ва манбалардан фойдаланиши, ўқувчилар фаоллигини таъминлаш юзасидан интерфаол методларнинг жорий этилаётганлиги устидан кенг қамровли назорат механизми ўрнатилишини таъминлаш;

таълим муассасаларида маъмурият томонидан ҳар куни эрталаб ва навбатдаги смена бошланишидан олдин барча ўқувчиларнинг дарсликлар, кундалик ва фан (иш) дафтарлари, зарур ўқув қуроллари билан мактабга келаётганлигини қатъий визуал назоратдан ўтказилишини ташкил этиш, бу борада муассаса раҳбарининг жавобгарлигини ошириш;

ўқитувчилар томонидан ўқувчиларнинг иш дафтарлари, уй вази-фаси бажарилаётганлиги, мунтазам текширилаётганлиги ва баҳоланаётганлиги юзасидан таълим муассасаси маъмурияти томонидан кунлик назорат ўрнатилишини таъминлаш;

5-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг мустақил ишлашини ва изланишини таъминлаш учун уларга фанлардан бериладиган уй вази-фаларига мавзуга оид дарсликда қайд этилмаган қўшимча вази-фалар бериш ва уй вази-фаларининг бажарилиши бўйича кундалик педагогик назорат ўрнатилишини ва ота-оналар билан бу борада мустақам алоқа ўрнатилишини таъминлаш;

барча фан ўқитувчилари томонидан (педагогик юкмаси-га мувофиқ ўқувчилар билан индивидуал ишлаш ҳисобидан) ҳафтасига 2 мартаба 2 соатдан фан тўғараклари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг ўтказилиш вақти (соати, куни ва сана-си) ҳақида ота-оналарни ёзма равишда хабардор қилиш ва ушбу масала юзасидан мактаб раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида огоҳлантириш;

мазкур буйруқни ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари-нинг буйруғига қўшимча равишда ҳар бир таълим муассасасининг педагогик жамоасига ўқиб эшиттириш;

ўз хизмат вази-фасига масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбар ва педагог ходимларга нисбатан амалдаги қонунчилик доирасида интизомий чоралар кўриш;

ушбу буйруқнинг бажарилиши бўйича ҳар ойнинг охириги ҳафтасида вазирликнинг Таълим муассасалари фаолиятини таш-кил этиш бош бошқармасига (tmbb@xtv.uz электрон манзилига фо-толар билан) ахборот тақдим этиш вази-фалари юклатилсин.

2. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик жараён-ни ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров) ва Республика таълим маркази (М.Эсонов) жорий йилнинг 10 декабрига қадар ўқувчиларнинг мустақил ишлаш, кўникма ва малакаларини ривож-лантириш, ўз фикрини ифодалай олиш мақсадида 5-синфдан бош-лаб ўқувчиларнинг мустақил ишлашини ва изланишини таъминлаш учун уларга фанлардан бериладиган уй вази-фаларига мавзуга оид дарсликда қайд этилмаган қўшимча вази-фалар бериш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқсин ва уларни (электрон шаклда) ҳудудий халқ

таълими бошқарув идораларига етказилишини таъминласин.

3. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Н.Рўзиқулов) ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари томонидан тақдим этилган маълумотларни умумлаштириш, сайланма тарзда буйруқ ижросини ўрганиш ва ҳар ойнинг охириги ҳафтасида вазирлик раҳбариятига ёзма маълумот киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Қ.Бектурдиев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 4 декабрь

373-сон

Б У Й Р У Қ И**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН
ШАХСЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТУҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги ПФ-5270-сон Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур Фармон билан қуйидагилар ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланганлиги инобатга олинсин:

ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда тенг шароитларни ва уларни бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш;

тиббий-меҳнат экспертизаси ва ногиронликни белгилашнинг шаффоф, замонавий услуб ва мезонларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини, шу жумладан диагностика, даволаш ва реабилитациянинг замонавий услубларини қўллаган ҳолда юқори технологияли ихтисослашган тиббий ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш орқали ошириш;

ногиронлиги бўлган шахсларни ўз вақтида ҳисобга олишнинг самарали механизмларини яратиш, ногиронликнинг белгилари пайдо бўлган вақтдан бошлаб уларни кузатиб бориш ва қўллаб-қувватлашнинг, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация

технологияларидан фойдаланган ҳолда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий аҳволини таъсирчан мониторинг қилиш, уларнинг турмуш шароитларини ҳар томонлама баҳолаш, индивидуал ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, ўз вақтида зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини берувчи ягона комплекс тизимини жорий этиш;

тиббий ёрдам даражаси ва сифатини ошириш, касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда туғма нуқсонлар ва ирсий касалликлар ўсишининг сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш ва олдини олишни ҳам назарда тутувчи профилактика тадбирларини кенгайтириш бўйича скрининг текширувларининг самарадорлигини кўтариш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг манзилли ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, уларнинг уй-жой-маиший ва бошқа яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган тиббий-ижтимоий хизмат ва моддий ёрдамни кенгайтириш, уларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш, шу жумладан сифатли ёрдамчи ва техник реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг оиласи, жамият ва давлат билан ўзаро алоқасини кучайтириш, уларнинг қулай муҳитда бўлиши, шаҳар йўловчи транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан эркин фойдаланиши учун зарур шароитлар яратиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи инклюзив таълим ва ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш;

ногиронликни белгилаш ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида ваколатли давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, тартиб-таомиллардан ўтишни соддалаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни ижтимоий реабилитация қилиш соҳасида давлат-хусусий ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, «Мурувват» ва «Саховат» интернат-уйларида васийликка олинганларнинг турмуш сифатини яхшилашга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш, уларнинг реабилитацияси ва ижтимоийлашуви самарадорлигини ошириш;

протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни, шу жумладан чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этган ҳолда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий стандартларини жорий қилиш;

замонавий тиббиёт ва илм-фаннинг илғор ютуқлари, диагностика, даволаш ва реабилитациянинг сифат стандартлари асосида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш,

соғломлаштириш хусусиятидаги чора-тадбирларни яхшилаш, соғлом ва фаол турмуш тарзини олиб бориш маданиятини тартиб қилиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги, шу жумладан ногиронликни белгилашнинг самарали мезонларини қўллашга қаратилган илмий тадқиқотларни фаоллаштириш.

ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи инклюзив таълим тизимини такомиллаштириш;

ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан катта ёшдагиларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар, туманлар марказларида умумтаълим мактаблари негизида имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ўргатиш бўйича ушбу соҳадаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус курсларни ташкил этиш;

тегишли материалларни нашр қилишни рағбатлантириш, муҳим соҳаларда аудио китоблар яратиш ва уларни жорий этишни назарда тутган ҳолда имо-ишора тили ва Брайль алифбосини қўллаш имкониятларини кенгайтириш ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланганлиги инobatга олинсин.

3. Халқ таълими тизимида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар дастури (матнда кейинги ўринларда чора-тадбирлар дастури деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Х.Даминов)га тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда:

4.1. 2018 йил 15 мартга қадар шахслар ўртасида мулоқот воситаси сифатида ишлатиладиган имо-ишора тилини янада ривожлантириш, унинг ҳуқуқий мақоми ва қўллаш соҳасини белгилаш, шунингдек, қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш:

ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан катта ёшдагиларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар, туманлар марказларида (талаблардан келиб чиққан ҳолда) умумтаълим мактаблари негизида имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ўргатиш бўйича ушбу соҳадаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус курсларни ташкил этиш;

тегишли материаллар нашр қилишни рағбатлантириш, муҳим соҳаларда аудио китоблар яратиш ва уларни жорий этишни назарда тутган ҳолда имо-ишора тили ва Брайль алифбосини қўллаш имкониятларини кенгайтириш.

4.2. 2018 йил 1 мартга қадар ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни

назарда тутувчи давлат дастурини тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш:

инклюзив таълимни самарадорлигини кенгайтириш ва тушунтириш;

ногиронлиги бўлган ҳар бир боланинг инклюзив таълим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш механизмлари;

ногиронлиги бўлган ва психофизик бузилишларга эга болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига 2 ёшдан бошлаб қабул қилиш;

ихтисослаштирилган дастурни ишлаб чиқишни инobatга олган ҳолда таълим муассасаларига бориш имконияти йўқ ногиронлиги бўлган шахслар учун масофадан ўқитишни таъминлаш.

5. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази (А.Хундибаев) Маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Х.Даминов) ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 2018 йил 1 июлга қадар ихтисослаштирилган ўқув муассасаларида ногиронлиги бўлган ўқувчилар учун профессионал психологик ёрдам хоналарини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасининг ишлаб чиқилишини ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

6. Вазирликнинг тегишли бошқарма (бўлим) бошлиқлари ва республика ташкилотлари раҳбарлари чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз муддатида ва сифатли бажарилишига шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5270-сон Фармонининг ҳамда ушбу буйруқнинг мазмун-моҳиятини тизимдаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган барча мактаб ва мактаб-интернатлар ўқитувчилари ва ўқувчиларига етказилишини ташкил этсин.

8. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

Халқ таълими вазирининг 2017 йил 4 декабрдаги
373-сонли буйруғига илова
Халқ таълими тизимида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш
чора-тадбирлар дастури

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
I. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш				
1.	(1) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талаблари ва халқаро стандартларни, шунингдек, "ногирон" сузи ўрнига "ногиронлиги бўлган шахс" атамасидан фойдаланишни назарда тутувчи "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишида иштирок этиш. (2) БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга тайёргарлик бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш ва мавжуд салоҳият, хорижий давлатлар тажрибаси, шунингдек, мазкур Конвенцияни ратификация қилиш шартлари ҳамда оқибатлари тахлилини ҳисобга олган ҳолда тегишли таклифлар тайёрланишида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан ҳамкорлик қилиш.	Қонун лойиҳаси	2018 йил 1 августга қадар	Х.Даминов, А.Муталиев
2.	(3) Вазирлар Маҳкамаси томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва бошқарувидаги қўйдоғиларга қаратилган таклифлар тайёрлаган ҳолда қайта кўриб чиқишда иштирок этиш. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилишга, шу жумладан уларни тулик ва комплекс кузатган ҳолда кўрсатилаётган хизматларни мувофиқлаштиришга масъул бўлган ихтисослаштирилган идора ташкил этиш.	Ратификация қилишга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар	2018 йил 1 июлга қадар	Х.Даминов, А.Муталиев
3.		Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2018 йил 1 мартга қадар	Х.Даминов, А.Муталиев, С.Миразимов

<p>ихтисослаштирилган идора негизда ногиронликни белгилашни тўлиқ камраб олувчи ягона тизимни ташкил этиш; тегишли хужжатларни расмийлаштирган шахсларнинг ногиронликка мувофиқлигини назорат қилиш ва текшириш тартибини жорий этиш; амалга оширилаётган ислохотлар талабларига жавоб бермайдиган самарсиз тузилмаларни тугатиб, тегишли штат бирликларини янги ташкил этилаётган ихтисослаштирилган идорага ўтказиш.</p>	<p>(4) Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг тиббий-маслаҳат комиссиялари ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятини куйидагиларга йўналтирилган ҳолда танқидий қайта кўриб чиқиш натижасида норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлашда иштирок этиш; ногиронликни белгилаш механизмларини ва унинг муддатларини, шу жумладан хужжатларни улардаги муҳим ҳолатларнинг мазмунини мажбурий равишда асослаб ва тушунтириб расмийлаштириш тартибини назарда тутилган ҳолда такомиллаштириш;</p>	<p>4.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳаси</p>	<p>2018 йил 1 мартга қадар</p>	<p>Х.Даминов, А.Мугалиев</p>
--	---	-----------	---	--------------------------------	----------------------------------

<p>комиссиялар таркибига иқтимоий ва касбий реабилитация, эрготерапия бўйича мутахассисларни киритиш; тиббий хулосаларга ногиронлиги бўлган шахсларнинг хаёт фаолияти учун зарур бўлган маълумотлар, шу жумладан, автотранспорт воситаларини бошқариш имконияти тўғрисидаги маълумотлар киритилишини таъминлаш; соғлигини тиклаб бўлмайдиган касалликка чалинган, руҳий ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган, шу жумладан, мuddатсиз ногиронликни тасдиқлашда протез-ортопедия буюмлари ҳамда техник реабилитация воситаларини бер-пул олиш учун бир марталик тақдим этиладиган тиббий хулоса бериш тар-тибини жорий этиш орқали имконияти чекланган шахсларни ҳисобга олган ҳолда тиббий хулосаларнинг амал қилиш мuddатларини қайта кўриб чиқиш; айрим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус даволанишдан ўтмасдан, шу жумладан тиббий текширув ўтказмасдан аниқланиши мум-кин бўлган ногиронлик тоифалари учун стационар даволанишда мажбурий бўлишни бекор қилишни назарда тутган ҳолда, ногиронликни белгилашни аниқлаштириш ҳамда ҳужжатларни топириш имкониятини кенгайтириш; ёрдамга жуда муҳтож бўлган шахслар учун сиртдан ногиронлик тоифаси белгилашни жорий этиш.</p>	<p>2018 йил 1 январга қадар</p>	<p>Х.Даминов, А.Мугалиев, С.Миразимов</p>
<p>комиссиялар таркибига иқтимоий ва касбий реабилитация, эрготерапия бўйича мутахассисларни киритиш; тиббий хулосаларга ногиронлиги бўлган шахсларнинг хаёт фаолияти учун зарур бўлган маълумотлар, шу жумладан, автотранспорт воситаларини бошқариш имконияти тўғрисидаги маълумотлар киритилишини таъминлаш; соғлигини тиклаб бўлмайдиган касалликка чалинган, руҳий ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган, шу жумладан, мuddатсиз ногиронликни тасдиқлашда протез-ортопедия буюмлари ҳамда техник реабилитация воситаларини бер-пул олиш учун бир марталик тақдим этиладиган тиббий хулоса бериш тар-тибини жорий этиш орқали имконияти чекланган шахсларни ҳисобга олган ҳолда тиббий хулосаларнинг амал қилиш мuddатларини қайта кўриб чиқиш; айрим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус даволанишдан ўтмасдан, шу жумладан тиббий текширув ўтказмасдан аниқланиши мум-кин бўлган ногиронлик тоифалари учун стационар даволанишда мажбурий бўлишни бекор қилишни назарда тутган ҳолда, ногиронликни белгилашни аниқлаштириш ҳамда ҳужжатларни топириш имкониятини кенгайтириш; ёрдамга жуда муҳтож бўлган шахслар учун сиртдан ногиронлик тоифаси белгилашни жорий этиш.</p>	<p>2018 йил 1 январга қадар</p>	<p>Х.Даминов, А.Мугалиев, С.Миразимов</p>
<p>комиссиялар таркибига иқтимоий ва касбий реабилитация, эрготерапия бўйича мутахассисларни киритиш; тиббий хулосаларга ногиронлиги бўлган шахсларнинг хаёт фаолияти учун зарур бўлган маълумотлар, шу жумладан, автотранспорт воситаларини бошқариш имконияти тўғрисидаги маълумотлар киритилишини таъминлаш; соғлигини тиклаб бўлмайдиган касалликка чалинган, руҳий ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган, шу жумладан, мuddатсиз ногиронликни тасдиқлашда протез-ортопедия буюмлари ҳамда техник реабилитация воситаларини бер-пул олиш учун бир марталик тақдим этиладиган тиббий хулоса бериш тар-тибини жорий этиш орқали имконияти чекланган шахсларни ҳисобга олган ҳолда тиббий хулосаларнинг амал қилиш мuddатларини қайта кўриб чиқиш; айрим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус даволанишдан ўтмасдан, шу жумладан тиббий текширув ўтказмасдан аниқланиши мум-кин бўлган ногиронлик тоифалари учун стационар даволанишда мажбурий бўлишни бекор қилишни назарда тутган ҳолда, ногиронликни белгилашни аниқлаштириш ҳамда ҳужжатларни топириш имкониятини кенгайтириш; ёрдамга жуда муҳтож бўлган шахслар учун сиртдан ногиронлик тоифаси белгилашни жорий этиш.</p>	<p>2018 йил 1 январга қадар</p>	<p>Х.Даминов, А.Мугалиев, С.Миразимов</p>

7.	<p>(8) Иқтисодиёт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан қуйидагиларни назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш: ногиронлиги бўлган шахсларнинг тиббий-ижтимоий ҳимояси соҳасида давлат- хусусий шериклик механизмларини жорий этиш; ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига, биринчи навбатда ижтимоий буюртма самарадорлиги ва аҳамиятини ошириш.</p>	<p>Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари</p>	<p>2018 йил 1 мартга қадар</p>	<p>Х.Даминов, А.Муталиев, С.Миразимов</p>
8.	<p>(9) Давлат статистика қўмитаси билан долзарб муаммоларни аниқлаш, тўлиқ таҳлил қилиш, ногиронлиги бўлган шахслар турли гуруҳлари аҳолини баҳолаш, инфратузилма объектларида улар учун шароитлар мавжудлигининг алоҳида ҳисобини юритишга имкон берувчи маълумотларни комплекс тўплаш, умумлаштириш ва ҳисобга олиш тизимини жорий этиш орқали улар ҳаёт фаолиятининг барча соҳасини қамраб олиш имкониятини йўлга қўйган ҳолда ногиронлиги бўлган шахсларни статистик ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш.</p>	<p>Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p>	<p>2018 йил 1 мартга қадар</p>	<p>Х.Даминов, А.Муталиев, Ф.Узақов</p>
9.	<p>(10) Олий суд томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг инженерлик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз киришни таъминлаш бўйича талабларни бажаришдан бўйин товланглик, шунингдек, улар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун жавобгарликни кучайтириш бўйича Қонун лойиҳасининг ишлаб чиқишида иштирок этиш.</p>	<p>Қонун лойиҳаси</p>	<p>2018 йил 1 февралга қадар</p>	<p>Х.Даминов, А.Муталиев, Ф.Узақов</p>
10.	<p>(11) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузишга ваколатли аниқ органларни назарда тутувчи, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш юзасидан мониторинг тартиби ҳамда жамоатлилик назоратини такомиллаштиришга қаратилган Қонун лойиҳасининг ишлаб чиқишида иштирок этиш.</p>	<p>Қонун лойиҳаси</p>	<p>2018 йил 1 мартга қадар</p>	<p>Х.Даминов, А.Муталиев</p>

<p>Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p>	<p>2018 йил 15 мартга қадар</p>	<p>Х.Даминов, С.Миразимов, Н.Р.Ўзкулов, А.Носиров, Республика таълим маркази (М.Эсонов)</p>
<p>11. (12) Шахслар ўртасида мулоқот воситаси сифатида ишлатиладиган имо-ишора тилини янада ривожлантириш, унинг хуқуқий мақоми ва қўлلاш соҳасини белгилаш, шунингдек, қуйидагилар юзасидан чора-тадбирлар кўриш: ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан катта ёшдагиларнинг саводхон-лигини ошириш мақсадида вилоятлар, туманлар марказларида (талаблардан келиб чиққан ҳолда) умумтаълим мактаблари негизида имо-ишора тили ва Брайл алифбосини ўргатиш бўйича ушбу соҳадаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус курсларни ташкил этиш; тегишли материаллар нашр қилишни рағбатлантириш, муҳим соҳаларда аудио китоблар яратиш ва уларни жорий этишни назарда тутган ҳолда имо-ишора тили ва Брайл алифбосини қўллаш имкониятларини кенгайтириш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Белгиланган ҳамкор ташкилотлар: Олий ва ўрта махсус таълим, Мақтабгача таълим, Соғлиқни сақлаш, Адлия ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, «Махалла» фонди, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари, ЮНЕСКО</p>	<p>Қ.Сайтов, Мультимедиа умумтаълим дас-турларини ривож-лантириши маркази (К.Гафуров), Республика таълим маркази (М.Эсонов), А.Муталиев</p>
<p>12.</p>	<p>2018 йил 1 февралга қадар</p>	<p>Х.Даминов, Республика</p>
<p>13.</p>	<p>2018 йил 1 мартга</p>	<p>(15) Савдо-саноат палатаси томонидан ногиронлиги бўлган шахслар дам олиши ва реабилитацияси, шунингдек, улар бандлигини ошириш учун махсус</p>

<p>техник воситалари билан жиҳозланган вақтларини мазмунли ўтказишга ихтисослашган масканлар ташкил этиш, ногиронлиги бўлган шахсларга арзон товар ҳамда хизматлар ишлаб чиқиш секторини кенгайтириш ва ривожлантиришда нодавлат секторини, шу жумладан, давлат-хусусий ва ижтимоий шериклик асосида рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда ҳамкорлик қилиш.</p>	<p>лоийҳаси</p>	<p>таълим маркази (М.Эсонов)</p>
<p>14. (17) БМТ агентликлари билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болалар ва катталар ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини ошириш» лойиҳасини амалга оширишни ташкил этишда Бош прокуратура, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш.</p>	<p>Лойиҳа ҳужжати</p>	<p>2018 йил 1 февралга қадар</p> <p>Х.Даминов, А.Муталиев</p>
<p>II. Ногиронлиқнинг олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва реабилитация самарадорлигини ошириш</p>		
<p>(19) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан туғма ногиронлиқнинг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш, шу жумладан кўйидагиларни назарда тутувчи Давлат дастури лойиҳасининг тайёрлашида иштирок этиш:</p> <p>а) ҳомиладор аёллар ва болаларни скрининг текширувлари орқали янада кўпроқ қамраб олиш ҳамда ушбу фаолият устидан қатъий назоратни таъминлаш бўйича чоралар кўриш, шу жумладан:</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лоийҳаси</p>	<p>2018 йил 1 мартга қадар</p> <p>Х.Даминов, А.Муталиев</p>
<p>15. ирсий касалликларни эрта аниқлаш бўйича таъсирчан чоралар кўриш; 16-ҳафталигидан бошлаб, перинатал ультраовуш текширувидан ўтказиш; ҳомиладор аёлларнинг биокимёвий маркерларга текшириш орқали неврал найча ва хромосома синдроми нуқсонларини аниқлаш;</p>		

<p>ирсий касалликларни аниқлаш мақсадида янги туғилган чақалоқларни комплекс, шу жумладан, перинатал скрининг текшируви параметрларини кенгайтириш ва зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш йўли билан текшириш; ноиронлиги бўлган аёлларга репродуктив саломатлик хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;</p> <p>б) ноиронлиқнинг муайян турларини тўлиқ енгиб ўтиш имконини берувчи замонавий тиббиёт, таълим ва ижтимоий технологиялардан, шу жумладан ривожланишдан ортда қолиш, эшитиш ва кўриш қобилиятининг бузилиши, ижтимоий-психологик бузилишларни эрта аниқлаш тизимидан фойдаланишни кенгайтириш;</p> <p>в) эрта ёшдаги болаларни келгусида уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан мажбурий скрининг текширувларидан ўтказиш, шунингдек ҳар хил турдаги кассалликларни сурункалашиши ва ноиронлашишининг олдини олиш тартибини жорий этиш, шу жумладан:</p> <p>Орол бўйи минтақасида яшовчи 5 ёшгача бўлган болаларнинг витамин-минерал комплекслардан фойдаланган ҳолда озикланишини яхшилаш; мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида болаларни ҳар йили бепул чуқурлаштирилган профилактик тиббий кўриқдан ўтказиш (умумий қон таҳлили, флюорография текшируви, педиатр, стоматолог, невропатолог, эндокринолог, офтальмолог кўриқлари ва бошқ.); касалликлари аниқланган болаларни соғломлаштириш ва реабилитация қилиш;</p> <p>г) чақалоқларда туғма нуқсонлар, шунингдек, руҳий касалликларнинг кўпайиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлашга қаратилган ихтисослаштирилган ўрганишларни туманлар кесимида тизимли ўтказиш амалиётини жорий этиш.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p>
<p>16.</p>	<p>2018 йил 1 апрелга қадар</p>
	<p>Х.Даминов, А.Мугалиев</p>

<p>тегишли органларнинг аниқ ваколатлари, чора-тадбирлар ижрочилари, молиялаштириш механизмлари, реабилитация қилишнинг асосий йўналишларини аниқ кўрсатган ҳолда реабилитация қилишнинг индивидуал дастури ишлаб чиқиш тартибини тасдиқлаш; бошқа соҳа мутахассисларини мажбурий тақлиф этишнинг аниқ асосларини назарда тутган ҳолда кўриқдан ўтиш ишгарокчилари доирасини кенгайтириш; ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишнинг замонавий усулларини жорий этган ҳолда тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш мезонларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Чора-тадбирлар режаси</p> <p>Ташкилий чора-тадбирлар</p>	<p>2018 йил 1 мартга қадар</p> <p>Доимий асосда</p>	<p>Х.Даминов, А.Муталиев, А.Тагаев, Республика таълим маркази (М.Эсонов)</p>
<p>17. (22) Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси билан ҳамкорликда: Тиббий-мехнат экспертиза, тиббий-ижтимоий реабилитация, ижтимоий хизматлар, протезлаш ва протез ишлаб чиқариш масалалари бўйича чуқур илмий-амалий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш. Ўтказилган ўрганиш натижаларига асосланган ҳолда, шу жумладан соғлом турмуш тарзини тартиб қилиш ҳамда қариндошлар ўртасидаги ва эрта ниҳолларнинг олдини олишга йўналтирилган кенг тушунтириш ишларини ўтказиш.</p>	<p>Чора-тадбирлар режаси</p>	<p>2018 йил 1 февралга қадар</p>	<p>Х.Даминов, А.Муталиев, Республика таълим маркази (М.Эсонов)</p>
<p>18. (23) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-мехнат эксперт комиссиялари ва тиббий-ижтимоий хизмат мутахассисларини тайёрлаш учун янги ўқув дастурларини, шу жумладан ижтимоий ишлар, эрготерапия, жисмоний терапия дастурларини ва ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш бўйича бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p>	<p>2018 йил</p> <p>1 апрелга қадар</p>	<p>Х.Даминов, А.Муталиев, Республика таълим маркази (М.Эсонов), Республика таълим маркази (А.Хундибаев)</p>
<p>19. (27) Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда халқ таълими тизимидати психологик-тиббий-педагогик комиссиялар фаолиятини улар ишининг сифати, ҳолислиги, қулайлиги ва самардорлигини ошириш мақсадида, шу жумладан ногиронлиги бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялашни, шунингдек, коррекция-педагогик ҳамда даволаш-соғломлаштириш фаолиятини яхшилаш орқали такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритиш.</p>			

20.	<p>(28) Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга оид маълумотлар, тайинланган пул тўловларининг тури ва миқдори, ажратилган техник реабилитация воситалари, протез-ортопедия буюмлари ва дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва берилган имтиёзлар, шунингдек, уларда мавжуд муаммоларни тезкорлик билан аниқлаш, бу соҳадаги ишларнинг ҳолати тўғрисида маълумотлар олиш, давлат органлари ўртасида маълумотлар алмашинувини амалга ошириш ва бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланиши ва суистеъмолчилик ҳолатларини олдини олиш имконини берувчи комплекс маълумотларни ўзида жамлайдиган ногиронлиги бўлган шахслар ягона электрон реестрини яратиш жараёнида иштирок этиш.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси Электрон автоматлаштирилган реестр</p>	<p>2018 йил 1 мартга қадар 2018 йил 1 июнга қадар</p>	<p>Х.Даминов, А.Муталиев, Қ.Сайтов</p>
21.	<p>(30) Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва аxbорот агентлиги ҳамда Ўзбекистон миллий аxbорот агентлиги билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, ногиронлиги бўлган шахсларнинг камситилишига йўл қўйилмаслигини таъминлаш ҳамда уларни оила, жамият ва давлат билан ўзаро боғлиқлигини кучайтириш бўйича, шу жумладан хоржий давлатлар тажрибасини ҳисобга олиб, махсус ижтимоий лавҳалардан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган тушунтириш ишлари сифатини ва жамоат онгига таъсири самарадорлигини ошириш бўйича ҳамкорлик қилиш.</p>	<p>Чора-тадбирлар режаси</p>	<p>2018 йил 1 январга қадар</p>	<p>А.Шайвалиев, А.Муталиев, Республика таълим маркази (М.Эсонов)</p>
III.	<p>Ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, уларнинг махсус касбий тайёргарлиги ва қайта тайёргарлиги тизimini такомиллаштириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишга жойлаштирилишини таъминлаш</p>			
22.	<p>(31) Тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш тизimini такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи давлат дастурини ишлаб чиқиш: инклюзив таълимни самарадорлигини кенгайтириш ва тушунтириш;</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p>	<p>2018 йил 1 мартга қадар</p>	<p>Х.Даминов, Н.Р.Ўзқуллов, С.Миразимов, Республика таълим маркази (М.Эсонов)</p>

<p>ногиронлиги бўлган ҳар бир боланинг инклюзив таълим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш механизмлари; ногиронлиги бўлган ва психофизик бузилишларга эга болаларни давлат мактабга таълим муассасаларига 2 ёшдан бошлаб қабул қилиш; ихтисослаштирилган дастурни ишлаб чиқишни инobatта олган ҳолда таълим муассасаларига бориш имконияти йўқ ногиронлиги бўлган шахслар учун масофадан ўқитишни таъминлаш.</p>	<p>Белгиланган ҳамкор ташкилотлар: Олий ва ўрта махсус таълим, Мактабгача таълим, Соғлиқни сақлаш, Молия, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, Республика болалар ижтимоий мостлаш маркази, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари</p>
<p>(32) Давлат спорт қўмитаси томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шaroитлар яратиш, шу жумладан паралимпия спорт турларини ривожлантириш ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида футболни қўллаб-қувватлашни назарда tutувчи дастурни ишлаб чиқиш. Жисмоний тарбия ва спорт институтида паралимпия спорт турлари бўйича тренер ва бошқа мутахассисларни тайёрлашни таъминлайдиган «Паралимпия спорт турлари» кафедрасини ташкил этишда ҳамкорлик қилиш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p> <p>2018 йил 1 февралга қадар</p> <p>А.Алимов, “Ёшлик” ЖТСЖ (Т.Тоиров), Республика таълим маркази (М.Эсонов), А.Муталиев</p>
<p>(35) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига қўмақлашиш бўйича куйдагиларни назарда tutувчи давлат дастурининг ишлаб чиқилишида ҳамкорлик қилиш: меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган ногиронлиги бўлган шахслар реестрини шакллантириш; ногиронлиги бўлган шахсларни уларни келгусида ишга жойлаштириш учун мааласини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш; касачиликни кенгайтириш ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари инфратузилмаси таркибида янги иш жойларини ташкил этиш орқали ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш механизмларини жорий этиш; ногиронлиги бўлган шахслар, биринчи навбатда ногиронлиги бўлган аёлларни</p>	<p>Вазиrлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p> <p>2018 йил 1 мартга қадар</p> <p>Х.Даминов, А.Муталиев, Республика таълим маркази (М.Эсонов)</p>

	<p>талаб юқори бўлган касбларга, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига ўқитиш бўйича қисқа муддатли курсларини жорий этиш; ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари вакиллари ижтимоий-иқтисодий фаолиятга кенг жалб қилиш.</p>	<p>Чора-тадбирлар режаси</p>	<p>2018 йил 1 январга қадар Режа асосида</p>	<p>Х.Даминов, И.Ақбаров, Республика таълим маркази (М.Эсонов)</p>
<p>25.</p>	<p>(36) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ногиронлиги бўлган болаларнинг манфаатлари ва имкониятларини ҳамда тегишли касбларнинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p>	<p>2018 йил 1 июлга қадар</p>	<p>Республика ташхис маркази (А.Хундибаев), Х.Даминов, С.Миразимов</p>
<p>26.</p>	<p>(38) Тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ихтисослаштирилган ўқув муассасаларида ногиронлиги бўлган ўқувчилар учун профессионал психологик ёрдам хоналарини яратиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Белгиланган ҳамкор ташкилотлар: Мақтабача таълим, Соғлиқни сақлаш, Молия вазирликлари, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази</p>		
<p>IV. Ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай ва мақбул муҳитни таъминлаш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш</p>				
<p>27.</p>	<p>(39) Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай жисмоний муҳитни яратиш тўғрисида қонунчилик талабларини амалга ошириш, жамоат транспорти, ижтимоий, йўл-транспорт ва бошқа инфраструктурани ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланишини таъминловчи техник воситалар билан босқичма-босқич жиҳозлаш бўйича чора-тадбирлар қаратилган давлат дастурини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p>	<p>2018 йил 1 мартга қадар</p>	<p>Ф.Узаков</p>

Изоҳ: Тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳаси ва предметига қараб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиши ёки ягона ҳужжатга бирлаштирилиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 9 декабрь

378-сон

Б У Й Р У Қ И

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИНГ ҲАР БИР БЎҒИН
РАҲБАРЛАРИ ВА ЎРИНБОСАРЛАРИНИНГ ШАХСИЙ ИШ РЕЖА
АСОСИДА ИШ ЮРИТИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 21 ноябрдаги ПҚ-3403-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида ўтказилган 125-сон раёсат мажлиси баёнида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 декабрдаги 125-сон раёсат мажлиси баёни ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг барча ўринбосарлари:

жорий йилнинг 5 декабридан бошлаб ҳар ойлик шахсий иш режаларини (ҳафталик кесимида) тузиши ва вазир томонидан тасдиқланиши ҳамда мазкур режа асосида иш юритиш тизимини жорий этсин;

шахсий иш режалари ижросини таҳлил қилиб борсин ва уларнинг мониторинги натижалари бўйича ҳар ой якунида (кейинги ойнинг 1-санасигача) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ва тасарруфдаги республика ташки-

лотлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари:

вазир ўринбосарлари учун белгиланган тартибда ўз фаолиятларини амалга оширсин ҳамда ўз фаолиятини шахсий иш режа асосида ташкил этишни йўлга қўйсин;

шахсий иш режа асосида амалга оширилган ишлар бўйича бандма-банд ҳисоботни ҳар ой якунида (кейинги ойнинг 1-санасигача) вазирликнинг ҳудудлар бўйича бириктирилган вакилларига (ҳудудий назоратчилар), республика бўйсунувидаги ташкилотлар эса Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, назорат ва таҳлил бошқармасига ахборот киритилишини таъминласин.

4. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳудди шу тартибда ҳар ойлик шахсий иш режаларини (ҳафталик кесимида) тузишни ва ҳудудий бошқармалар бошлиқлари томонидан тасдиқланишини, ушбу иш режалар ижроси тўғрисида ҳар ой якунида (кейинги ойнинг 3-санасигача) бошқарма бошлиқларига ахборот киритиб бориш тизимини йўлга қўйсин.

5. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосарлари ҳудудий бўлинмалар ва республика бўйсунувидаги ташкилотларнинг раҳбарларига юклатилган топшириқлар ва функционал вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажариш, зарур натижани таъминлаш юзасидан талабчанликни ошириш чораларини кўрсин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

У. Иноятов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2017 йил 11 декабрь

384-сон

Б У Й Р У Қ И

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРА- ШИШ ИШЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқ таълими тизимида илғор фикрловчи ёш авлодни тўғри тарбиялаш борасида эришилаётган ижобий ютуқлар билан бир қаторда таълим соҳасида коррупция ҳолатлари, хусусан, таъмагирлик, пора олиш ва бошқа ўз лавозимларидан фойдаланиб суистеъмолчиликларга йўл қўйиш, шунингдек, ота-оналар томонидан фарзандларининг манфаатини кўзлаб мактаб раҳбарларига ва ўқитувчиларига пора бериш ҳолатлари учрамоқда. Мазкур ҳолатларни ва тизимда коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Халқ таълими тизимида коррупцияга қарши курашиш ишларини янада кучайтириш бўйича “Биз коррупцияга қаршимиз”, “Коррупция тараққиёт кушандаси”, “Биз коррупцияни тўхтатамиз” мавзуларида давра-суҳбатларини ташкил этиш ва уни ўтказиш Ишчи гуруҳ таркиби 1-иловага, давра-суҳбатини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар сметаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ишчи гуруҳи (Қ.Бектурдиев) Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида тизимда коррупцияга қарши курашиш ишларини янада кучайтириш бўйича “Биз коррупцияга қаршимиз”, “Коррупция тараққиёт кушандаси”, “Биз коррупцияни тўхтатамиз” мавзуларида жорий йилнинг 26 декабрь куни давра-суҳбатларини сифатли ўтказилишини ташкил этсин ва коррупцияга қарши курашиш ишларини янада кучайтириш бўйича таъсирчан чораларни кўрсин.

3. Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров) таълим муассасаларида коррупция ва унинг

олдини олишга қаратилган видеороликлар, буклетлар, флаерлар, семинар-тренинг материаллари тайёрласин ва уларнинг электрон шаклларини (вазирлик билан келишилган ҳолда) вазирликнинг сайти (uzedu.u) ва ахборот-таълим порталига жойлаштириш чораларини кўриш вазибалари топширилсин.

4. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Ж.Шокиров) 2-иловада кўрсатилган харажатлар сметасига мувофиқ маблағларни Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб берсин.

5. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан тайёрланган таълим муассасаларида коррупция ва унинг олдини олишга қаратилган видеороликлар, буклетлар, флаерлар, семинар-тренинг материаллари мазмун-моҳияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишларини ташкил этсин.

6. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Қ.Бектурдиев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

*Халқ таълими вазирининг
2017 йил 11 декабрдаги
384-сонли буйруғига 1-илова*

**Халқ таълими тизимида коррупцияга қарши курашиш
ишларини янада кучайтириш бўйича давра-суҳбатларини
ташkil этиш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби**

т/р	Ф.И.Ш.	Иш жойи ва лавозими
1	Қ.Бектурдиев	Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари
2	Д.Кенжаев	Халқ таълими вазирининг ўринбосари, аъзо
3	А.Саъдуллаев	Халқ таълими вазирининг ўринбосари, аъзо
4	Ж.Сидиков	Халқ таълими вазирининг ўринбосари, аъзо
5	С.Миразимов	Юридик бўлим бошлиғи, котиб
6	Б.Шамсиев	Кадрлар бошқармаси бошлиғи, аъзо
7	А.Носиров	Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик жараёни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи, аъзо
8	Н.Рўзиқулов	Таълим муассасалари фаолиятини ташkil этиш бош бошқармаси бошлиғи, аъзо
9	Н.Муротов	Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи, аъзо
10	Ф.Узаков	Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминоти ни ташkil этиш бошқармаси бошлиғи, аъзо
11	И.Ғиёсов	Ички аудит ва молиявий назорат хизмати раҳбари, аъзо
11	М.Эсонов	Республика таълим маркази директори, аъзо
12	А.Хундибаев	Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психолог- гик-педагогик республика ташхис маркази директо- ри, аъзо
13	К.Гафуров	Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривож- лантириш маркази директори, ишчи гуруҳ котиби

** Заруриятга кўра, ишчи гуруҳ таркибига малакали мутахассис-
лар жалб қилиниши мумкин.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 26 декабрь

392-сон

Б У Й Р У Қ И**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ МАЛАКА ОШИРИШ
КУРСЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАГАН
ПЕДАГОГЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ
ТЎҒРИСИДА**

Халқ таълими тизимида инновацион педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, илғор хорижий ва ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш, таълим тизимидаги янгиликларни мунтазам равишда ўқитиш амалиётини татбиқ этиб бориш ҳамда 2018 йилдан бошлаб ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ошириб боришни ташкил этиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. 2018 йилнинг январь ойдан бошлаб ўз мутахассисликлари бўйича малака ошириб қайтган педагоглар томонидан бир ой муддат ичида ўз таълим муассасаси педагоглари учун интерфаол семинар ва маҳорат дарсларини ўтказиш орқали ўзаро тажриба алмашиш тизими(бундан буён матнда ўзаро тажриба алмашиш тизими деб *юритилади*)жорий этилсин.

2. Ўзаро тажриба алмашиш тизимини сифатли ва белгиланган муддатларда ташкил қилиниши ҳамда узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирини ва таълим муассасасининг директори шахсан масъул этиб белгилансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий бошқармалар деб юритилади) бошлиқлари ҳамда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаблари директорларига:

ўз мутахассислиги бўйича малака ошириш курсидан қайтган педагог ўзи фаолият юритаётган умумий ўрта таълим мактабида ўзаро тажриба алмашишни очик дарс ёки семинар-тренинг тарзида туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирини томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилишини ташкил этиш;

ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этиладиган очиқ дарс ёки семинар тренингда малака оширишдан қайтган педагоглар ўз фанидан олган билимларини тақдимот тарзида баён қилишини таъминлаш ва назоратга олиш;

ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этиладиган очиқ дарс ёки семинар-тренингларни фан методисти томонидан таҳлил қилиниши, дарс таҳлили дафтарига қайд қилиб борилиши ва хулосалар жамланишини ташкил қилиш;

ўз мутахассислиги бўйича малака ошириш курсидан қайтган педагоглар малака ошириш курсларида ўрганган педагогик технологиялар ва ўқитишнинг ноанъанавий шакллари билан ўртоқлашиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш мақсадида очиқ дарс ёки семинар-тренинглар ташкил этилишини таъминламаган ҳолларда уларга нисбатан меҳнат қонунчилигига мувофиқ интизомий жазо чорасини қўллаш;

ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этиладиган очиқ дарс ёки семинар-тренинглар ўтказилиши белгиланган мактабларда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мактабнинг кириш қисми, синф хоналарини талаб даражасида жиҳозлаш ҳамда лаборатория машғулотлари ўтказиладиган хоналарни тайёрлаш;

ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этиладиган очиқ дарс ёки семинар тренингларнинг ташкил этилиши ҳамда ўтказилиши ҳақидаги маълумотларни “Маърифат”, “Учитель Узбекистана” ва бошқа оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни таъминлаш;

ушбу буйруқни умумтаълим мактаблари ва педагогик жамоаларга етказиш;

ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ҳар ойда ташкил этиладиган очиқ дарс ёки семинар-тренинглар ҳақида жамланган тўлиқ маълумотларни вилоят методик хизмати бўлимига ҳар ойнинг 25 санасига қадар тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Республика таълим маркази (М.Эсонов)га:

ҳар ойда жойларда ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этиладиган очиқ дарс ёки семинар-тренингларнинг методистлар томонидан назорат қилинишини таъминлаш;

бир ойлик малака ошириш курсидан қайтган тингловчилар сони билан ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этиладиган очиқ дарс ёки семинар тренингларнинг мутаносиб келишини таҳлил қилиб, танқидий ўрганиб бориш ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармасига (tmbb@xtv.uz) маълумот тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Қ.Бектурдиев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 26 декабрь

393-сон

Б У Й Р У Қ И**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИШЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3289-сон, “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3304-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисидаги низомни ва айрим идоровий мансуб ташкилотларнинг уставларини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 1 декабрдаги 961-сон қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассисларининг бошқарув, касбий ва умумий педагогик маҳоратларини узлуксиз оширилишини ташкил этиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган давлат талаблари 1-иловага, А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда Институт деб аталади) малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисида низом 2-иловага, малакаси ошириладиган ходимлар кўзда тутилган тоифалари рўйхати 3-иловага, халқ таълими муассасалари раҳбар ва мутахассис ходимларининг малакасини ошириш мазмуни ва сифати ҳамда уларнинг тайёргарлиги ва компетентлигига қўйиладиган малака талаблари 4-иловага, Институтнинг халқ таълими тизимида фаолият юритаётган раҳбар ва мутахассис

ходимлари малакасини оширишнинг 2018 йил учун умумий режаси 5-иловага, малака ошириш курсларининг таянч ўқув режалари 6-иловага, масофадан малака ошириш курсларининг таянч ўқув режалари 7-иловага, халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларнинг масофадан малакасини ошириш тартиби 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев), А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори(Н.Рахмонқулова)га:

бир ой муддатда мазкур буйруқнинг 1-илуваси билан тасдиқланган халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган давлат талабларини белгиланган тартибда “Ўзстандарт” агентлигида рўйхатдан ўтказиш;

бир ой муддатда халқ таълими тизими ходимларининг малакасини оширишни тартибга солувчи амалдаги меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш вазифалари юклатилсин.

3. А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (Н.Рахмонқулова) га:

5 кун муддатда мазкур буйруқнинг 3 ва 5-илувалари асосида 2018 йил учун малака оширишнинг ойлар ва ҳудудлар кесимидаги режасини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирликка киритиш ҳамда ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш;

малака ошириш курсларини ушбу буйруқ билан тасдиқланган давлат талаблари, малака талаблари ва таянч ўқув режаларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этиш;

10 кун муддатда халқ таълими раҳбар ва мутахассис ходимлари малакасини ошириш намунавий ўқув мавзу режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун вазирликка тақдим этиш;

машғулотларга илғор амалиётчи педагоглар ва бошқарув органлари мутахассисларини жалб этиш ҳамда тингловчиларнинг ўқиши ва яшаши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш;

ҳар бир ташкил этилган курсларга тингловчиларни қабул қилиш тўғрисидаги буйруқни ўқиш бошланганидан кейин 3 кун ичида вазирликка тақдим этиш;

ҳар ой якунида малака ошириш режасининг бажарилиши тўғрисида таҳлилий маълумотлар ҳамда ёзма ҳисоботларни вазирликка тақдим этиб бориш;

малака ошириш сифати ва самарадорлигини ошириб бориш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларнинг режада белгиланган муддатларда Институтга етиб келиши ва уларнинг сафар харажатларини ўз вақтида қопланишини таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари зиммасига юклатилади.

5. Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров)га:

Институт билан ҳамкорликда мазкур буйруқ билан тасдиқланган тегишли иловаларга мувофиқ халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича диплом ҳамда сертификатларни рўйхатга олиш электрон тизимига ўрнатилган тартибда ўзгартиришлар киритсин.

6. Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев) малака ошириш бўйича 2018 йил учун иш режаларини бажарилиши мониторингини олиб боришни ҳамда вазирлик раҳбариятига доимий ахборот киритиб борилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2016 йил 30 декабрдаги “Халқ таълими тизими раҳбар ва педагог ходимларининг 2017 йил учун малака ошириш режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 308-сон, 2012 йил 25 июлдаги “Халқ таълими раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 227-сон, 2016 йил 10 декабрдаги “Халқ таълими ходимларининг малакасини масофавий таълим шаклини қўллаган ҳолда оширишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 281-сон буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Қ.Бектурдиев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

Ушбу буйруқнинг тўлиқ матни билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти www.uzedu.uz ва www.ziynet.uz ахборот порталида танишишингиз мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 20 декабрь

389-сон

Б У Й Р У Қ И

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЧЕТ ТИЛЛАР
ЎҚИТУВЧИЛАРИ КАСБ МАҲОРАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҲАР
ҲАФТАЛИК КУРСЛАР ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯСИНИ ЎТКАЗИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 мартдаги “Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари малакасини ва касб маҳоратини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 67-сон қарори билан тасдиқланган “Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш бўйича ҳар ҳафталик курсларни ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари ҳар ҳафталик курсларнинг 2017 йил 2-босқич юзасидан яқуний аттестацияси (бундан буён матнда яқуний аттестация деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 мартдаги 67-сон қарори билан тасдиқланган “Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш бўйича ҳар ҳафталик курсларни ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида ўтказилсин.

2. Яқуний аттестацияни ўтказилишини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 1-иловага, яқуний аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Умумий ўрта таълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш бўйича ҳар ҳафталик курсларнинг 2-босқичи юзасидан яқуний аттестацияси ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларида жорий йилнинг 25-30 декабрь кунлари “online” тартибида ўтказилсин.

4. А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (Н.Раҳманкулова)га:

3 кун муддатда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мутахассислари билан ҳамкорликда якуний аттестация материалларини тайёрлаш;

3 кун муддатда якуний аттестация тест синовларини “online” тартибида ўтказиш учун барча тайёргарлик ишларини кўриш ҳамда аттестация материалларини тизимга жойлаштириш;

3 кун муддатда ҳудуддаги тегишли олий таълим муассасалари ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларига якуний аттестация материалларини етказиш;

якуний аттестация натижалари бўйича маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш ҳамда 2018 йил 7 январга қадар, таҳлил натижаларини Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик жараёни ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров)га тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

ҳар ҳафталик курслар ўтказилаётган таянч мактаблардаги гуруҳларнинг якуний аттестацияга киритиладиган тингловчилар рўйхатини шакллантириш;

бир ҳафта муддатда ҳудуддаги тегишли олий таълим муассасалари ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари билан ҳамкорликда якуний аттестацияни ўтказиш жадвалини тузиш, аттестацияни ўтказиш комиссияси таркибини шакллантириш, масъуллар ва аудитория кузатувчиларини тайинлаш ҳамда А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига тақдим этиш;

аттестацияни ўтказиш комиссияси аъзолари, масъуллар ҳамда аудитория кузатувчиларини якуний аттестация ўтказиш тартиби билан таништириш, тегишли ташкилий ишларни амалга ошириш;

якуний аттестацияни “online” тартибида ўтказиш учун барча чораларни кўриш, хусусан, электр тармоқларининг узлуксиз ишлаши, интернет тезлигини ўртача 2Мб/сек дан кам бўлмаслиги, якуний аттестация ўтказиладиган хоналардаги ўқув жиҳозларининг созлигини таъминлаш;

якуний аттестация синовларини ташкил этиш ва уни ўтказишда мазкур буйруқ билан тасдиқланган йўриқномага қатъий амал қилиш;

якуний аттестацияда иштирок этадиган ҳар ҳафталик курс тингловчиларини жадвал асосида белгиланган муддатларда аттестация ўтказиладиган жойга етиб келишларини таъминлаш;

якуний аттестациянинг суҳбат ва ёзма иши учун зарур бўлган материалларини кўпайтиришни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошириш чораларини кўриш;

якуний аттестация натижалари бўйича маълумотларни 2018 йил 5 январга қадар А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига тақдим этиш;

2018 йил март ойидан бошлаб туман (шаҳар)лардаги мавжуд таянч мактаблар негизида амалдаги тренер-ўқитувчилар томонидан 2 босқичли (март-июнь ва сентябрь-декабрь) чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш бўйича ўқув курсларини ҳар ойнинг биринчи ва иккинчи ҳафтасидаги метод кунларида давом эттирилишини таъминлаш;

тренер-ўқитувчиларнинг бириктирилган таянч мактабларида машғулотларни самарали олиб боришлари учун зарур шарт шароитлар яратиш;

чет тиллар ўқитувчиларини курс машғулотларига тўлиқ жалб этиш, уларнинг белгиланган метод кунларида машғулотларга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда масъулият билан иштирок этишини қатъий назоратга олиш вазифалари юклатилсин.

6. Якуний аттестация жараёнининг сифатли ташкил этилиши ва белгиланган талаблар асосида юқори савияда, адолатли ўтказилишига Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари шахсан масъуллиги белгилаб қўйилсин.

7. Ишчи гуруҳга:

якуний аттестацияни белгиланган муддатларда сифатли ташкил этилишини назорат қилиш;

амалга оширилган ишлар юзасидан тегишли маълумотларни вазирлик раҳбариятига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

8. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Халқ таълими вазинининг 2017 йил 27 июндаги Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш бўйича ҳар ҳафталик курслари якуний аттестациясини ўтказиш тўғрисидаги 214-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

У. Иноятов

*Халқ таълими вазирининг
2017 йил 20 декабрдаги 389-сон буйруғига
1-илова*

**Якуний аттестацияни ўтказилишини назорат қилиш бўйича
ишчи гуруҳ таркиби**

т/р	Фамилияси ва исми	Лавозими
1.	Қ.Бектурдиев	Вазирнинг биринчи ўринбосари, раис
2.	А.Носиров	Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи, аъзо
3.	Н.Рўзиқулов	Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи, аъзо
4.	Н.Раҳманқулова	А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, аъзо
5.	М.Эсонов	Республика таълим маркази директори, аъзо
6.	Лавозими бўйича	Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирининг, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, аъзо

Изоҳ: гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтганда улар ўрнига тайинланган ёки тегишли вазифа юклатилган шахслар гуруҳ таркибига киритилади.

*Халқ таълими вазирининг
2017 йил 20 декабрдаги 389-сон буйруғига
2-илова*

Якуний аттестация ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 мартдаги “Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари малакасини ва касб маҳоратини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 67-сон қарори билан тасдиқланган “Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш бўйича ҳар ҳафталик курсларни ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ижросини таъминлаш, ҳар ҳафталик курсларнинг ўқув режаси ва дастурида назарда тутилган машғулотлар якунида тингловчиларнинг билим ва тил салоҳиятини якуний аттестациясини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Якуний аттестацияни ўтказиш ошкоралик, холислик, тенглик тамойиллари асосида амалга оширилади.

2-боб. Якуний аттестациянинг мақсад ва вазифалари

3. Халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим муассасалари чет тиллари ўқитувчиларининг касб маҳоратини ошириш бўйича ҳар ҳафталик курслари якуний аттестациясини ўтказиш тартибини жорий этишдан кўзланган мақсад ўқитувчининг касбий эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилишдан иборат.

4. Халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим муассасалари чет тиллари ўқитувчиларининг касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курслари якуний аттестациясини ўтказиш тартибининг вазифалари:

чет тили ўқитувчисининг мақсадли малака оширишга замин яратиш ва малака оширишни амалиёт билан узвийлигини таъминлаш; малака ошириш даврида чет тили ўқитувчисининг ўз касбий билимларини замон талаблари асосида янгилаш;

чет тили ўқитувчисининг амалдаги касбий эҳтиёжлари асосида мақсадли малака ошириш курслари ўқув-режа ва дастурларини тақомиллаштириш ҳамда ўқув материаллари мазмунини бойитиш.

3-боб. Якуний аттестацияни ўтказишнинг ташкилий масалалари

5. А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (бундан буён матнда А.Авлоний номидаги институт деб юритилади):

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мутахассислари билан ҳамкорликда, якуний аттестация материалларини (тест саволлари банки, ёзма (ижодий) иш ва суҳбат мавзуларни) шакллантиради ҳамда баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади;

якуний аттестация тест синовларини “online” тартибида ўтказиш учун барча тайёргарлик ишларини кўради ҳамда аттестация материалларининг махфийлигини таъминлайди;

худуддаги тегишли олий таълим муассасалари ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларига якуний аттестация материалларини етказилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари;

якуний аттестацияда иштирок этадиган ўқитувчилар рўйхатини шакллантиради;

худуддаги тегишли олий таълим муассасалари ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари билан ҳамкорликда якуний аттестацияни ўтказиш жадвалини тузади, якуний аттестация ўтказиш жойи ва аудиторияларни тайёрлайди, аттестацияни ўтказиш комиссияси таркибини шакллантиради ва А.Авлоний номидаги институтга тақдим этади;

тайинланган масъуллар ва аудитория кузатувчиларини якуний аттестация ўтказиш тартиби билан таништиради, тегишли ташкилий ишларни амалга оширади;

якуний аттестация материалларини кўпайтиришни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошириш чораларини кўради;

якуний аттестацияни “online” тартибида ўтказиш учун барча чораларни кўради, хусусан, электр тармоқларининг узлуксиз ишлаши, интернет тезлигини ўртача 2Мб/сек дан кам бўлмаслиги, якуний аттестация ўтказиладиган хоналардаги ўқув жиҳозларининг созлигини, аттестация материалларининг махфийлигини таъминлайди.

якуний аттестацияда иштирок этадиган ўқитувчиларни жадвал асосида белгиланган муддатларда аттестация ўтказиладиган жойга етиб келишларини таъминлайди.

8. Якуний аттестация жараёнининг сифатли ташкил этилиши ва белгиланган талаблар асосида юқори савияда адолатли ўтказилишига Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари шахсан масъул ҳисобланади.

4-боб. Якуний аттестацияни ўтказиш тартиби

9. Тингловчиларнинг якуний аттестацияни тинглаб тушуниш (Listening), ўқиб тушуниш (Reading), лексик ва грамматик компетенция (Lexical and Grammar Competence), ёзиш (Writing), гапириш (Speaking) кўникмаларини баҳолашдан иборат.

10. Синовлар жадвал асосида ҳар куни соат 9-00 дан бошлаб тасдиқланган жадвал асосида тест синовлари, ёзма иш, суҳбат шаклида ўтади.

11. Тест синовлари компьютерда “online” тарзда аудитория раҳбари кузатувида амалга оширилади ва 2 соат давом этади. Шундан, тинглаб тушуниш кўникмасини аниқлаш бўйича тест топшириғи 20 та саволдан иборат бўлиб, унга 40 дақиқа вақт белгиланади. Ушбу вақт давомида тингловчи саволлар билан танишиб (5 дақиқа), аудио матн ёки суҳбатни тинглайди (15 дақиқа: 5 дақиқадан 3 марта) ҳамда тинглаб тушуниш (Listening) кўникмаларини аниқлаш бўйича тест топшириқлари ойнасидаги 20 та топшириқни бажаради (20 дақиқа). Тест саволларининг ҳар бири 5 балл билан баҳоланади ва умумий 100 баллни ташкил этади;

ўқиб тушуниш (Reading) кўникмаларини аниқлаш бўйича тест топшириқлари 20 та саволдан иборат бўлиб, 60 дақиқа вақт ажратилади. Тест саволларининг ҳар бири 5 балл билан баҳоланади ва умумий 100 баллни ташкил этади;

лексик ва грамматик (Lexical and Grammar Competence) кўникмаларни аниқлаш бўйича тест топшириқлари учун 20 та савол учун 20 дақиқа вақт ажратилади. Тест саволларининг ҳар бири 5 балл билан баҳоланади ва умумий 100 баллни ташкил этади.

12. Ёзма иш мавзуси А.Авлоний номидаги институт томонидан тавсия этилган намунавий мавзулар асосида бир неча вариантда тайёрланади ва ёпиқ конвертларда танлаш орқали иштирокчиларга тарқатилади.

13. Ёзма ишнинг битта варианты 2 та топшириқдан иборат бўлиб, унга 60 дақиқа ажратилади, шундан:

1-топшириқ: берилган топшириқ асосида камида 150 та сўздан иборат бўлган хат (formal letter) - 20 дақиқа.

2-топшириқ: берилган топшириқ асосида камида 250 та сўздан

иборат иншо (argumentative essay) - 40 дақиқа.

14. Сухбатда А.Авлоний номидаги институт томонидан тавсия этилган намуна асосида ҳар бир иштирокчига 3 та топшириқли алоҳида билет тақдим этилади ва мазкур топшириқлар бўйича ҳар бир тингловчи билан 15 дақиқали сухбат ўтказилиб, А.Авлоний номидаги институт тавсия этган мезон асосида 100 баллик тизимда баҳоланади.

15. Ҳар бир синов якунида иштирокчилар олган бали мазкур йўриқноманинг иловасида келтирилган жадвалга қайд этилади ва иштирокчиларнинг имзолари олинади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари якуний аттестация натижаларини умумлаштириб, А.Авлоний номидаги институтга 2018 йил 5 январдан кечиктирмай тақдим этади.

5-боб. Компьютерда тест топшириш жараёнини ташкил этиш

18. Компьютерда тест топшириш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

тингловчи компьютер хонасига киргач, аудитория кузатувчиси **томонидан берилган “логин”, “парол” билан компьютер ойнасида** кўрсатилган тест топшириш муҳитига киради;

ойнанинг юқори қисми ўнг томонида ёзилган фамилияси ва исми тўғри эканлигини текшириб, аудитория кузатувчисининг кўрсатмаларига амал қилган ҳолда босқичма-босқич тест топшириқларини бажаради;

тингловчининг фамилияси, исми, шарифи нотўғри эканлиги аниқланса, бу бўйича далолатнома тузилиб, натижа чиқарилмайди;

тест якунида компьютер ойнасида кўринган натижа тингловчи билим даражасини аниқловчи ягона ҳужжат ҳисобланади. Ҳар бир тестга фақат битта жавоб берилади. Жавоб варианти танланиб “жавоб бериш” тугмаси босилгач жавобларни ўзгартириш мумкин бўлмайди;

агар жавоб вариантлари танланмай ўтказиб юборилса, ушбу саволга компьютер автоматик тарзда балл қайд этмайди;

компьютерда тест топшириқларини белгиланган тартибда тўғри бажариш учун тингловчи шахсан жавобгар ҳисобланади.

19. Якуний аттестацияга тайёргарлик кўриш ва тест жараёнида тингловчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

тингловчи тест синовлари ўтказиладиган бино ҳудудига ҳудудий

малака ошириш институти буйруғи билан тасдиқланган жадвалда кўрсатилган тест синовлари вақтидан 30 дақиқа, тест ўтказиладиган хонага эса тест бошланишидан 15 дақиқа олдин фақат фуқаролик паспорти ва кўк рангли (пастали) шарикли ручка билан киритилади (ёзма иш учун). Луғат, китоб, мобил телефон ва бошқа электрон воситаларни аудиторияга олиб кириш тақиқланади;

тест синовлари бошлангандан кейин тингловчи аудиторияга киритилмайди, тест синовларига келмаган тингловчилар учун қўшимча тест синовлари ўтказилмайди;

тест синовлари вақтида тингловчининг аудиториядан чиқиши тақиқланади ва аудиториядан сабабсиз чиққан тингловчи тест синовларига қайта кўйилмайди;

тест синовлари давомида тингловчиларнинг бир-бирлари билан гаплашиши, шунингдек, тест саволларидан нусха олиши тақиқланади;

агар тингловчи мазкур талабларга риоя қилмаса, у тест синовлари ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва унга тест синовларидан четлаштириш тўғрисидаги далолатнома тузилиб, тест синовларидан четлаштирилади;

тест синовини яқунлаган тингловчининг тест синови натижалари аудитория кузатувчиси томонидан қайд этилади ва тингловчи қайдномага имзо қўйиб, аудиториядан чиқади.

6-боб. Яқуний қоида

20. Мазкур йўриқнома асосида белгиланган қоидаларга амал қилиниши ҳамда вазифаларни сифатли бажарилиши Халқ таълими вазирлиги томонидан назорат қилинади.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курсларининг якуний аттестациясини ўтказиш тартиби бўйича ўриқномага илова

_____ вилоят/шаҳар _____ туман (шаҳар)даги _____ - сонли таянч мактаб негизда инглиз тили ўқитувчилари учун ўтказиладиган ҳар ҳафталик курсларда 2017 йил _____ куни ўтказилган якуний аттестация йил натижалари ҳақида маълумот

T/p	Ўқитувчининг Ф.И.Ш.	Иш жойи (мак- таби)	Тинглаш (Listening)	Имзо	Ўқиш (Reading)	Имзо	Лексик ва грамматика кўникма (Lexical and Grammar. Comp.)	Имзо	Ёзиш (Writing)	Имзо	Гапириш (Speaking)	Имзо	Умумий балл (Total score)	Изоҳ * (Comments)*
1														
2														
3														
4														
5														
6														
7														

* – Изоҳ бўлимига иштирокчининг ёзиш ва гапириш кўникмасида кузатилган камчиликлар қисқача қайд этилиши мумкин

Комиссия раиси
Аъзолари

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 29 декабрь

398-сон

Б У Й Р У Қ И

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
2017 ЙИЛ 28 ДЕКАБРДАГИ “2018 ЙИЛДА РАСМИЙ
САНАЛАРНИ НИШОНЛАШ ДАВРИДА ҚЎШИМЧА ИШЛАНМАЙ-
ДИГАН КУНЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ
КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ПФ-5290-СОН ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ
ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги “2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-5290-сон Фармони мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги “2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-5290-сон Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қарор билан қуйидагилар:

1) 2018 йилда қуйидаги қўшимча дам олиш кунлари белгилансин:

2 январь - сешанба;

20 март - сешанба;

31 август - жума.

2) 2018 йилда қуйидаги дам олиш кунлари кўчирилсин:

6 январь - шанба 3 январь - чоршанбага;

17 март - шанба 19 март - душанбага;

24 март - шанба 22 март - пайшанбага;

25 август - шанба 23 август - пайшанбага;

26 август - якшанба 24 август - жумага;

8 сентябрь - шанба 3 сентябрь - душанбага;

15 сентябрь - шанба 4 сентябрь - сешанбага;

29 декабрь - шанба 31 декабрь - душанбага.

бюджет ташкилотларида қўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини уч иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланиши, ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинаши, унга ушбу фармоннинг 1-бандига мувофиқ белгиланган қўшимча дам олиш кунлари қўшилиши;

ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартиришни ҳисобга олган ҳолда 15 иш кунидан кам бўлмаслиги инobatга олинсин.

3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, назорат ва таҳлил бошқармаси (К.Инаков) бир кун муддатда фармон ва мазкур буйруқни барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

У. Иноятов

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
XALQ TAЪЛИМИ VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI OLIIY
VA ЎRTA MAХSUS TAЪЛИM
VAZIRLIGINING ЎRTA MAХSUS, KASB-XUNAR TAЪЛИMI
MARKAZINING**

2017 йил 29 декабрь

79-сонли

2017 йил 29 декабрь

98-сонли

Қ А Р О Р И

**ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЖМУАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги 868-сон “Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига (бундан буён матнда Қарор деб юритилади) асосан ташкил этилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида тажриба-синов ишларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиқлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқларига Қарор асосида ташкил этилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида (бундан буён матнда ЎИЧМ деб юритилади) ўқувчиларни касбга ўргатиш бўйича ташкил этилган тажриба-синов ишларини доимий назоратга олиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифалари юклатилсин.

2. ЎИЧМда ўқувчиларга ўргатилаётган касбларнинг дастлабки рўйхати 1-иловага, ЎИЧМда ўқувчиларга ўргатилаётган касблар бўйича малака талаблари, машғулотлар режалари ва дастурларини

такомиллаштириш юзасидан ишчи гуруҳ (бундан буён матнда ишчи гуруҳ деб юритилади) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳга:

ЎИЧМда ўқувчиларга ўргатилаётган касблар малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурларини такомиллаштириб бориш ҳамда ҳар бир касблар бўйича алоҳида муаллифлар гуруҳи таркибини шакллантириш;

муаллифлар гуруҳи аъзоларининг ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва материаллар билан таъминлаш;

тажриба-синов ишларининг самарали ташкил этилиши юзасидан методик ёрдам кўрсатиш;

2017-2018 ўқув йили якунига қадар ЎИЧМда ўқувчиларни касбга ўргатиш бўйича меъёрий ва ўқув-методик материаллар лойиҳаларини тайёрлаш вазифалари юклатилсин.

4. Ушбу қарор имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари Д.Кенжаев ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг ўринбосари Х.Рахмоновларга юклатилсин.

Халқ таълими вазири

У. Иноятов

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими
маркази директори**

М.Холмухамедов

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг
2017 йил “ 29” декабрдаги
79- ва 98-сон қарорига
1-ИЛОВА

**ЎИЧМда ўқувчиларга ўргатилаётган касбларнинг дастлабки
рўйхати**

№	Касб номи
1.	Миллий таомлар ошпази
2.	Новвой
3.	Қандолатчи
4.	Тикувчи
5.	Парда тикувчи
6.	Каштачи
7.	Зардўз
8.	Дўппидўз
9.	Гилям тўқувчи
10.	Сотувчи
11.	Ҳисобчи (кассир)
12.	Официант
13.	Компьютер оператори - котиб(а)
14.	Компьютер ва дастурий таъминотлар ҳамда офис жиҳозларини ўрнатувчи ва уларга техник хизмат кўрсатувчи
15.	Мобиль телефонларни таъмирловчи
16.	Видеомонтажчи
17.	Фотограф
18.	Ғишт терувчи
19.	Сувоқчи
20.	Гулқоғоз ёпиштирувчи
21.	Бўёқчи
22.	Ганч ишлари устаси
23.	Кафелчи
24.	Сантехник
25.	Дурадгор
26.	Мебель ишлари устаси
27.	Бетон қуювчи

28.	Кўкаламзорлаштириш боғбони
29.	Иссиқхона боғбони
30.	Ўрмончи
31.	Доривор ўсимликлар йиғувчи
32.	Полизчи деҳқон
33.	Боғбон
34.	Гулчи боғбон
35.	Чорвадор
36.	Паррандачи
37.	Пиллачи
38.	Асаларичи
39.	Эркаклар сартароши
40.	Аёллар сартароши
41.	Қулол
42.	Сут соғувчи
43.	Шина монтаж қилувчи
44.	Чилангар
45.	Токарь
46.	Меҳмонхона хизматчиси (Горничная)
47.	Референт
48.	Пойафзал таъмирловчи
49.	Фитобармен
50.	Ёнилғи қуйиш шохобчалари оператори
51.	Пол ётқизиш ишлари
52.	Туроператор
53.	Пайвандчи
54.	Косметолог

Ушбу буйруқнинг тўлиқ матни билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти www.uzedu.uz ва www.ziynet.uz ахборот порталида танишишингиз мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2018 йил 6 январь

2-сонли

Б У Й Р У Қ И

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ ҲАР ОЙДА
ЎТКАЗИЛАДИГАН ЎҚУВ СЕМИНАРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА**

Таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан унумли фойдаланиб, самарали натижаларга эришаётган педагогик жамоаларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш ва уларни қўллаб-қувватлаш, намунали таълим муассасалари сафини кенгайтириш, раҳбарларнинг ўзаро тажриба алмашишини йўлга қўйиш орқали таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. 2018 йил январь ойдан бошлаб ҳар ойнинг сўнги ҳафтасида барча туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари мудирлари раҳбарлигида умумтаълим мактаблари директорларининг тегишли туман (шаҳар) ҳудуддаги “намунали таълим муассасаси”да мақсадли ўқув семинарлари (бундан буён матнда ўқув семинарлари деб юритилади) ташкил этилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий бошқармалар деб юритилади) раҳбарларига:

бир ҳафта муддатда умумтаълим мактаблари директорлари учун ўқув семинарлари жадвали ва ўқув семинарларида муҳокама этиладиган мавзулар дастурини тасдиқлаш ҳамда вазирликнинг Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармасига (tmbb@xtv.uz) тақдим этиш;

ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ходимларининг ўқув семинарларда шахсан ўзлари иш-

тирок этиб, ўқув семинарларида фаол қатнашган директорларни рағбатлантиришни ташкил этиш;

ўқув семинарлари жараёни ҳамда натижаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, бунда таълим сифати кўрсаткичлари бўйича рейтинги юқори бўлган, кўп йиллик тажрибага эга бўлган намунали мактаб директорлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш;

ўқув семинарлари ўтказиладиган таълим муассасаларида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мактабнинг кириш қисми ҳамда ўқув семинарлари ўтказиладиган хоналарни тайёрлаш ва зарур техник воситалар билан жиҳозлаш;

худудий бошқармалар ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан ўқув семинарлари якунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсияларни веб-сайтларга жойлаштириш ҳамда барча таълим муассасаларига фойдаланиш учун етказиш;

ушбу буйруқ нуҳсаларини умумтаълим мактабларига етказиш;

ўтказилган ўқув семинарлари якуни бўйича ҳар ойнинг 30-санасига қадар вазирликнинг Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармасига (tmbb@xtv.uz)маълумот тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

3. Ўқув семинарларини ташкил этишда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилади:

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалар;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ҳудудларга ташрифлари давомида халқ таълими тизимини ислоҳ этиш юзасидан берган топшириқларни мазмун-моҳияти;

халқ таълими тизимида оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мазмун-моҳияти;

таълим сифатини ошириш омиллари, кадрлар сифатини яхшилаш, ўқитишнинг инновацион технологияларини таълим жараёнига кенг жалб этиш;

директорларнинг бошқарув маҳоратини юксалтириш, педагогик жамоада ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ташаббускорликни ошириш.

4. Ўқув семинарларининг юқори савияда ва белгиланган режа асосида ўтказилишига худудий бошқарма бошлиқлари ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирлари шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

5. Ўқув семинарлари жараёнида ҳар қандай ортиқча сарф-харажатлар талаб этувчи тадбирлар ўтказилиши қатъиян тақиқлансин.

6. Матбуот котиби (Б.Шайвалиев)га “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари билан ҳамкорликда ўқув семинарларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ҳамда вазирликнинг www.uzedu.uz расмий веб-сайти орқали кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Н.Рўзиқулов) ўтказилган ўқув семинарлари якуни бўйича ҳар ойнинг 30-санасидан кечикмай вазирлик раҳбариятига ҳисобот тақдим этсин.

8. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Қ.Бектурдиев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2018 йил 8 январь

8-сонли

Б У Й Р У Қ И**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Халқ таълими бошқарув органлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, уларнинг тасарруфидаги таълим муассасалари ва ташкилотлар ҳамда вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари ва ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни жорий этиш, ахборот тизимлари ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш, кўрсатилаётган интерактив давлат хизматларининг натижавийлигини ва техник воситалардан унумли фойдаланиш самарадорлигини, бу борада Халқ таълими ҳудудий бошқарув идоралари ва таълим муассасалари раҳбарларининг масъулиятини янада ошириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан умумтаълим мактабларида ахборот-коммуникация технологияларини (бундан буён матнда АКТ деб юритилади) жорий этиш, компьютер техникаси ва техник воситалардан фойдаланишни ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар етарли эмас деб ҳисоблансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг АКТни жорий этишга масъул ходимларининг лавозим вазифалари 1-иловага, таълим муассасаларининг АКТ воситалари билан таъминланганлик тўғрисидаги паспорти намунаси ва уни янгилаш

йўриқномаси 2-иловага, таълим муассасаларида АКТни жорий этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мезони 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Н.Рўзиқулов)га;

мазкур буйруқда белгиланган вазифалар ижросини вазирликнинг ҳудудларга бириктирилган вакиллари билан биргаликда тўлиқ амалга оширилишига эришиш чораларини кўриш;

вазирликнинг ҳудудларга бириктирилган вакиллари ва ҳудудларга хизмат сафарига юбориладиган ходимларнинг ўрганиш саволномаларига юқоридаги вазифаларни жойида ўрганиш бўйича вазифалар киритиш ҳамда ўрганиш натижаларининг мониторингини юритиш;

тизимга жорий этилаётган ахборот тизимларига маълумотларни ўз вақтида, ҳаққоний ва сифатли киритилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Вазирликнинг барча бошқарма ва бўлим бошлиқларига:

таълим муассасалари фаолияти, педагоглар ва ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид қабул қилиниши, тегишли ўзгартириш киритилиши назарда тутилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиш;

таълим муассасаларида ижро этилиши лозим бўлган меъёрий-ҳуқуқий, услубий ва бошқа директив ҳужжатларни xt.uzedu.uz сайтига мунтазам жойлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Вазирликнинг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (Қ.Сайтовга):

ҳудудларнинг АКТни жорий этиш ҳолатини ўрганиш бўйича барча зарур маълумотлар акс эттириладиган намунавий жадвал (паспорт) асосида маълумотларни жойлардаги масъуллар томонидан белгиланган муддатида ва сифатли киритилишини назорат қилиш;

Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази билан биргаликда АКТни жорий этиш фаолиятини белгиланган баҳолаш мезони асосида таълим муассасалари ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан маълумотларни шаффоф ва ҳаққоний киритилишини мониторингини юритиш;

АКТни кенг жорий этган туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ҳамда таълим муассасаларини рағбатлатириш, ушбу йўналишда кўрик-танловлар ташкил этиш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, бу борада масъулиятсизликка йўл қўяётганларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўриш юзасидан вазирлик раҳбариятига таклифлар киритиш вазифалари юклатилсин.

6. Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров)га:

бир ой муддатда вазирликнинг xt.uzedu.uz ахборот тизими негизида барча таълим муассасалари ва вазирлик тасарруфидаги ташкилотларнинг компьютер техникаси ҳамда АКТ жиҳозлари билан таъминланиш ва улардан фойдаланиш ҳолатини мониторинг қилиш дастурий воситасини ишлаб чиқиш;

икки ой муддатда xt.uzedu.uz ахборот тизими ва веб майдончада вазирлик томонидан ишлаб чиқиладиган меъёрий ҳужжатларни масъул ижрочилар тақдим этиши ҳамда қабул қилинган ҳужжатларни жойлаштириб бориш майдончасини ташкил этиш;

eduportal.uz порталида ота-она, ўқувчи, таълим муассасалари-га фанлар кесимида бугунги кунгача яратилган, фойдаланиш қулай ва замон талабларига жавоб берадиган электрон ахборот таълим ресурсларининг рўйхатини шакллантириш ҳамда уларнинг фойдаланувчилар эътиборига тақдим этиш;

электрон ахборот таълим ресурсларининг оптик дисклар тўпламини яратиш ва мазкур дискларни ҳудудий бошқармаларнинг бюртмалари асосида жойларга етказиш вазифалари юклатилсин.

7. “ZiyoNET” Ресурс марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими (в.б. Б.Сулаймонов)га:

ўн кун муддатда таълим муассасаларида “ZiyoNET” тармоғидан фойдаланиш самарадорлигини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда унинг бажарилиш мониторингини юритиш;

ҳудудларда ўқитувчилар ва ўқувчиларга “ZiyoNET” ахборот таълим тармоғининг мазмун-моҳияти ҳамда сателлит веб-сайт яратиш бўйича сайёр семинарлар ташкил этиш жадвалини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

ҳар бир ҳудудда АКТни жорий этишга бириктирилган масъуллар билан индивидуал ишлаш орқали жойларда “ZiyoNET” ахборот таълим тармоғига уланиш, ундан самарали фойдаланиш мониторингини олиб бориш;

туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари “Ўзбектелеком” АКнинг ҳудудий филиаллари билан шартномалар имзолаш жараёнларини назоратга олиш;

ҳар чорак якунида ҳудудлар кесимида “ZiyoNET” тармоғидан фойдаланиш ҳолати бўйича таҳлилий маълумот тайёрлаш ҳамда раҳбариятга киритиш;

“ZiyoNET” ахборот таълим порталидан рўйхатдан ўтган веб-сайтларни хатловдан ўтказиш, талаб даражасида улардаги маълум-

молларни янгилатиш ёки веб-сайт фаолиятини яқунлаш чораларини кўриш;

худудларда “ZiyoNET” ахборот таълим тармоғига уланиш имконияти мавжуд бўлган таълим муассасаларининг “ZiyoNET” ахборот таълим тармоғига уланишини таъминламаган туман (шаҳар) халқ таълими бўлими раҳбарлари фаолиятининг қониқарсизлиги бўйича вазирлик раҳбариятига чора кўрилиши юзасидан таклиф киритиш вазифалари юклатилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

бир ҳафта муддатда вазирликнинг 2017 йил 2 октябрдаги 318-сонли буйруғининг 2- ва 3-иловаларига мос равишда **методик хизмат** бўлимининг АКТ соҳаси бўйича етарли билим, малака ва тажрибага эга бўлган мутахассислардан бир нафарини фақат тизимда АКТни ривожлантиришга масъул этиб тегишли буйруқ асосида бириктириш ва тайинлаш;

унга мазкур буйруқнинг 1-илоvasи билан тасдиқланган лавозим вазифаларини бажариши учун ваколатлар бериш ҳамда унга тегишли (алоҳида хона, мебель ва замонавий компьютер техникаси, локал ва интернет тармоғи билан таъминлаш) шарт-шароитлар яратиш;

ўн кун муддатда ва масъул ходим алмашганда АКТга масъул этиб белгиланган ходим тўғрисидаги маълумотларни вазирликнинг АКТни жорий этиш бўлими (ictdep@xtv.uz)га тақдим этиш;

бир ой муддатда тасарруфларидаги барча таълим муассасаларида компьютер техникаси ва ўқитишнинг техник воситаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳолатини танқидий ўрганиб чиқиш;

ўрганиш натижасига кўра бир ҳафта муддатда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли таъсирчан чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда масъулиятсизликка йўл қўйган ҳудудий халқ таълими идоралари масъул ходимлари ва таълим муассасалари **раҳбарларининг жавобгарлиги** юзасидан вазирликка таклиф киритиш;

икки ой муддатда Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда ҳудудий халқ таълими бошқаруви органлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлиmlари ҳамда таълим муассасасидаги компьютер техникаларини қайта хатловдан ўтказиш ҳамда маънан ва моддий эскирган воситаларни *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 августда 1401-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни (янги тахрирда) тасдиқлаш ҳақида”ги 101-сонли буйруғи асосида) ҳисобдан чиқариш чораларини кўриш;

2018 йил 10 мартга қадар ўрганиш натижалари бўйича тахлилий маълумотларни ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирлар режасини вазирликнинг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлимига тақдим этиш;

бир ой муддатда Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан ишлаб чиқилган маълумотлар базасига таълим муассасасидаги барча АКТ техникалари тўғрисидаги маълумотларни киритилишини ташкил этиш;

худудий бошқармалар, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида ҳамда барча таълим муассасаларидаги компьютер техникаларини локал тармоққа уланишини таъминлаш;

барча таълим муассасаларини Ziyonet ахборот таълим тармоғига улаш, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан яратилган электрон махсулотлар билан таъминлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича услубий-амалий семинарлар ташкил этиш;

2017-2018 ўқув йилининг III чорагидан бошлаб компьютер (синф) ва мультимедиа техникалари билан жиҳозланган таълим муассасаларида дарс жадвали билан уйғун ҳолда компьютер (синф) техникаси ёрдамида дарс жараёнини электрон дарсликлардан фойдаланган ҳолда олиб бориш жадвалини санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари меъёрларига амал қилган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

АКТдан фойдаланиш жадвали билан ўқувчилар ва уларнинг оналарини таништириш ҳамда унга қатъий амал қилиниши устидан мониторинг олиб бориш;

видеодарс, электрон дарслик ҳамда мультимедиа иловалари яратиш учун Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш;

10 кун муддатда ҳар бир таълим муассасасининг синф ва фан хоналарида электрон ахборот таълим ресурслари бурчаклари ташкил этиш;

худудий бошқармалар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳамда таълим муассасалари билан электрон ҳужжат айланиш тизимини тўлиқ жорий этиш;

мавжуд веб-сайтларни хатловдан ўтказиш, улардаги маълумот-

ларни мунтазам янгилаб бориш, жойлаштирилаётган маълумотларни экспертизадан ўтказиш тизимини жорий этиш;

тизимдаги мавжуд веб-сайтларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 355-сон қарори талабларига мос эканлигини доимий мониторингини олиб бориш;

ҳудудий бошқармалар ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан фуқароларга кўрсатиладиган Давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш чораларини кўриш;

мазкур буйруқни барча умумий ўрта таълим муассасалари директорларига етказиш ва педагог жамоаларга ўқиб зшиттириш;

ҳар ойда амалга оширилган ишлар юзасидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар вазирликнинг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлимига ёзма ахборот бериб бориш вазифалари юклатилсин.

9. Матбуот котиби (Б.Шайвалиев)га Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва барча ҳудудий халқ таълими бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида таълим сифати ва самардорлиги, тизимда АКТни жорий этиш бўйича олиб борилаётган жараёнларни оммавий ахборот воситалари ҳамда вазирликнинг www.uzedu.uz ҳамда бошқа веб-сайтларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Қ.Бектурдиев, вазир ўринбосарлари Д.Кенжаев, Ж.Сидиков, А.Саъдуллаевлар зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

*Халқ таълими вазирининг 2018 йил 8 январдаги
8-сонли буйруғига 1-илова*

Худудий халқ таълими бошқаруви идораларида АКТни жорий этишга масъул ходимларнинг лавозим вазифалари

Худудий халқ таълими бошқаруви идоралари ва таълим муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ҳамда “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Қарор, Фармон ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ҳамда Халқ таълими вазирлигининг АКТ йўналишига тегишли топшириқларининг бажарилишини мониторинг қилади.

Худудий халқ таълими бошқаруви идораларининг турли йиғилишларида иштирок этади.

Худудий халқ таълими бошқаруви идоралари ва таълим муассасаларида АКТни жорий этиш фаолиятини мувофиқлаштиради.

Тасарруфдаги туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ва муассасаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий ахборот тармоқларига уланишида ёрдамлашади, корпортив электрон почта хизмати, локал ва корпортив тармоқларнинг мунтазам ишлашини мувофиқлаштиради.

Худуддаги халқ таълими бошқаруви идоралари ва таълим муассасалари томонидан интерактив хизматлар кўрсатилишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради.

Худуддаги халқ таълими бошқаруви идоралари ва таълим муассасаларининг расмий веб-сайтларининг юритилишини мувофиқлаштиради.

АКТни жорий этиш йўналишида амалга оширилаётган ишлар бўйича маълумотлар йиғади, таҳлил қилади ва тегишли маълумотномалар тайёрлайди. Урнатилган тартибда хорижий мамлакатларнинг ташкилот ва муассасалари билан АКТ йўналишида ҳамкорликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш бўйича иш олиб боради.

АКТ’ воситалари билан халқ таълими бошқаруви идоралари ва таълим муассасаларини таъминлаш чора-тадбирларини белгилашга кўмаклашади.

АКТни жорий этиш бўйича видеоконференциялар ва видеосеминарлар ташкил этади.

АКТ масалалар бўйича мурожаатларнинг кўриб чиқилишини

ташқил этади.

АКТни жорий этиш ва ривожлантириш йўналишида ташқил этиладиган турли тадбирларда иштирок этади.

“Энг яхши электрон ахборот-таълим ресурслари” ва “Энг яхши веб- сайт” кўрик-танловларининг ўтказилишни мувофиқлаштиради.

Республика таълим марказининг Таълим жараёнига АКТни жорий этиш бўлими, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ва “ZiyoNET” Ресурс марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими билан ҳамкорликда тегишли тадбирларни амалга оширади.

Худудий халқ таълими бошқарув идоралари ходимларининг АКТдан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиш ишларига ёрдамлашади.

Бундан ташқари, масъул ходим АКТни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича бошқа ишларни ҳам амалга оширади.

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида АКТни жорий этишга масъул ходимларнинг лавозим вазифалари

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги ҳамда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг тегишли Қарор, Фармон ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришга доир қабул қилинган қарор, фармон ва фармойишлари, Халқ таълими вазирлигининг ҳамда худудий халқ таълими бошқарув идораларининг мазкур йўналиш бўйича тегишли топшириқларини таълим муассасалари томонидан бажарилишини мониторинг қилади, амалий ва услубий ёрдам кўрсатиб боради.

Туман (шаҳар) халқ таълим бўлимининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга масъул ходими ўз фаолиятини халқ таълими бўлимидаги барча ходимлар билан ҳамкорликда олиб боради, ўз мавқеи бўйича шўъба мудирининг лавозимига тенглаштирилган бўлади ҳамда бўлим мудирининг буйруғи билан ишга тайинланади ва ишдан бўшатилади.

Халқ таълими бўлимининг турли йиғилишларида иштирок этади.

Таълим муассасаларида бошқарув, иш юритиш ва ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштиради.

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўна-

лишида амалга оширилаётган ишлар бўйича маълумотлар йиғади, таҳлил қилади, улар асосида тегишли маълумотнома ва ҳисоботлар тайёрлайди ҳамда таклифлар киритади.

Таълим муассасаларининг ахборот-коммуникация технология воситалари ва жиҳозлари билан таъминланиш ҳолатини мониторинг қилади, мазкур техник воситалардан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилишини таъминлайди;

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича ўқув услубий ва амалий семинар-тренинглар, видео ёки аудио конференциялар ташкил этади ҳамда иштирок этади.

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига тизимда ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига доир мурожаатларнинг кўриб чиқилишини ташкил этади.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган ва соҳага тегишли бўлган бошқа кўрик-танловларининг ўтказилишини ташкил этади ва жараёнларни мувофиқлаштиради.

Таълим муассасаларида мавжуд бўлган компьютер ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини инвентаризациядан ўтказиш, инвентаризация натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ҳамда улардан самарали фойдаланишни ташкиллаштиради.

Электрон ҳужжат айланишини жорий этиш ва самарали фойдаланишни мониторингини юритади.

Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган электрон дарслик ва ўқув қўлланмаларни жойларга етказиш, ўқув жараёнида ахборот ресурсларидан мунтазам фойдаланиш бўйича амалий семинарлар ташкил этади.

Таълим муассасаларининг “ZiyoNet” тармоғига уланиши, тармоқдан самарали фойдаланишини мониторингини юритади. “ZiyoNet” тармоғига улапиш ва фойдаланиш бўйича муаммолар аниқланган тақдирда ҳудудий мутасадди ташкилот ва масъул ходимлар билан ҳамкорликда уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради.

Тизимда жорий этилаётган маълумотлар базалари ҳамда ахборот тизимларидан самарали ва тўғри фойдаланилиши устидан назорат қилади ҳамда бу борада ахборот хавфсизлигига жавобгар ҳисобланади.

Халқ таълими бўлими ва таълим муассасалари веб-сайтларининг мавжудлиги, уларнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 355-сон қарори талабла-

рига мослигини назорат қилади.

Республика таълим марказининг Таълим жараёнига АКТни жорий этиш бўлими, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ва “ZiyoNET” Ресурс марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари томонидан берилган топшириқларнинг ижросини сифатли таъмиplash бўйича тегишли тадбирларни амалга оширади.

Тасарруфдаги таълим муассасаларининг халқаро ҳамда маҳаллий ахборот тармоқларига уланишида ёрдамлашади, корпортив электрон почта хизмати, локал ва корпортив тармоқларнинг мунтазам ишлашини мувофиқлаштиради.

Тасарруфдаги таълим муассасаларидаги техник воситаларга сервис хизмат кўрсатилишини назорат қилиб боради, моддий ва маънавий эскирган компьютер техникасини амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисобдан чиқариш бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатади.

Тасдиқланган меъёр ва мезонлар асосида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича энг яхши таълим муассасасини аниқлаш, улар рейтингини тузишга бевосита раҳбарлик қилади ҳамда масъул ҳисобланади.

Халқ таълими вазирининг 2018 йил 8 январдаги
8-сонли буйруғига 2-илова

**Таълим муассасаларининг АКТ воситалари билан таъмин-
ланганлик тўғрисидаги паспорти намунаси ва уни янгилаш
йўриқномаси**

1-бўлим. Умумий маълумотлар

1.1	Туман (шаҳар) номи	
1.2	Муассасанинг рақами	
1.3	Муассасанинг телефон рақами	
1.4	Муассаса директорининг Ф.И.Ш.	
1.5	Ўқувчилар сони (1-10 синфларда)	
Шундан:	1-4 синфларда	
	5-10 синфларда	
Жами синфлар сони (1-10 синфларда)		
Шундан:	1-4 синфлар сони	
	5-10 синфлар сони	
1.6	Жами ўқитувчилар сони:	
Шундан:	Информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчилари сони	
1.7	Информатика ва ахборот технологиялари хонасига масъул (қўшимча ҳақ оладиган ходим Ф.И.Ш.) (базадан тортадиган қилиш керак)	

**2-бўлим. Ахборот-коммуникация воситалари
(рўйхат бўйича)**

2.1	Муассасадаги жами компьютерлар сони		Носозлари
<i>Шундан:</i>	Маъмурий мақсадларда фойдаланилаётганлари		
	Ўқув компьютер синфларида фойдаланилаётганлари		
	Фан ва синф хоналарида фойдаланилаётган		
2.2	Ноутбуклар сони		
2.3	Нетбуклар сони		
2.4	Серверлар сони		
2.5	Сканерлар сони		
2.6	Видеопроекторлар сони		
2.7	DVD магнитолалар сони		
2.8	Кондиционерлар сони		
2.9	Стабилизаторлар сони		
2.10	Узлуксиз таъминот манбаи (UPS) сони		
2.11	Интерактив доскалар сони		
2.12	Принтерлар сони		
<i>Шундан:</i>	Игнали (матричный)		
	Рангли (струйный)		
	Лазерли		
2.13	Нусха купайтириш аппаратлари сони (3 в 1 бўлганда 2.5 ва 2.12 бандларда кўрсатилмайди)		
2.14	Муассасадаги локал тармоққа уланган компьютерлар сони		
2.15	Муассасага ўрнатилган кузатув камералари сони		

3-бўлим. Ахборот-коммуникация воситаларининг ҳисобдан чиқариш ёки таъмирлаш лозим бўлганлари (яроқсиз, маънан эскирганлари) сони

3.1	Муассасадаги жами яроқсиз, маънан эскирган персонал компьютерлар (тўплам) сони	Яроқсизлари сони	Таъмирлаш имконияти борлари сони		
Шундан:	Тизимли блок (процессор) сони				
	Мониторлар сони				
	Клавиатуралар сони				
	Сичқончалар сони				
3.2	Ноутбуклар сони				
3.3	Нетбуклар сони				
3.4	Серверлар сони				
3.5	Сканерлар сони				
3.6	Видеопроекторлар сони				
3.7	DVD магнитолалар сони				
3.8	Кондиционерлар сони				
3.9	Стабилизаторлар сони				
3.10	Узлуксиз таъминот манбаи (UPS) сони				
3.11	Интерактив доскалар сони				
3.12	Принтерлар сони				
Шундан:	Игнали (матричный)				
	Рангли (струйный)				
	Лазерли				
3.13	Нусха кўпайтириш аппаратлари сони (3 в 1 бўлганда 3.16 ва 3.5 бандларда кўрсатилмайди)				

4-бўлим. Ахборот-коммуникация воситаларига хизмат кўрсатиш (2018 йил ҳисобидан)

4.1	Жорий йилда сервис хизмат кўрсатиш учун ажратилган маблағ миқдори (минг сўмда)	
<i>Шундан:</i>	Сервис хизмати учун фойдаланилган (минг сўмда) маблағ миқдори	
4.2	Сервис хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузилган ташкилот номи	

5-бўлим. Ахборот-коммуникация воситаларига хизмат кўрсатиш (2017 йил ҳисобидан)

5.1	Жорий йилда сервис хизмат кўрсатиш учун ажратилган маблағ миқдори (минг сўмда)	
<i>Шундан:</i>	Сервис хизмати орқали таъмирланиши режалаштирилаётган қурилмалар	
5.2	Сервис хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузилган ташкилот номи	

6-бўлим. Телекоммуникациялар ва қўшимча маълумотлар

6.1	Муассасанинг Интернетга уланганлиги (уланган/уланмаган)	
6.2	Интернетга уланиш тури (Dial-up, ADSL ва бошқалар)	
6.3	Уланган телефон рақами	
6.4	Провайдер номи	
6.5	Интернет тармоғига уланган компьютерлар сони	
6.6	Интернет тармоғига уланмаган компьютерлар сони	
6.7	Муассаса веб-сайтнинг мавжудлиги (мавжуд/мавжуд эмас)	
6.8	Веб-сайт манзили	
6.9	Веб-сайтдаги маълумотларни янгилашга масъул ходимнинг Ф.И.Ш	
6.10	Веб-сайтни янгилаш ҳолати (охирги сана)	
6.11	Муассасанинг электрон почта манзили (мавжуд/мавжуд эмас)	
6.12	Муассасада мавжуд электрон ахборот таълим ресурслари сони	
6.13	Дарс жадвалини тузишнинг электрон тизими жорий этилганлиги ёки дастурий воситасидан фойдаланиш (дастур номи)	

Халқ таълими вазирининг 2018 йил 8 январдаги
8-сонли буйруғига 3-илова

**Таълим муассасаларининг АКТни жорий этиш ва улардан
фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мезони**

Т/р	Мезон (критерий)	*Белгиланган балл
1	Умумтаълим муассасаларининг АКТ воситалари билан таъминланиши ва улардан фойдаланиш ҳолати	5
2	Муассасанинг Интернет тармоғига уланганлик ҳолати	20
3	Муассаса веб-сайтнинг мавжудлиги ва ҳолати	10
4	Муассасада электрон ахборот таълим ресурсларининг мавжудлиги ва ундан фойдаланиш ҳолати	15
5	Муассасада фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг АКТ саводхонлиги бўйича топширган онлайн тест синови натижалари	10
6	Дарс жадвали тузишнинг электрон тизими жорий этилганлиги ёки дастурий воситасидан фойдаланиш (дастур номи)	10
7	Муассасанинг ва жамоанинг “ЭАТР” ҳамда “Энг яхши веб- сайт” танловларидаги иштироки ва натижаси	20
8	Информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиларининг АКТ бўйича малака оширганлиги	5
9	Муассасада электрон ҳужжат айланиш тизимининг йўлга қўйилганлиги	5
ЖАМИ:		100

* Мазкур белгиланган балларнинг тақсимланган батафсил мезонлари Халқ таълими вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими ҳамда Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан дастурий ечим шаклида ишлаб чиқилади ва буйруқда белгиланган муддатда амалиётга жорий этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2018 йил 11 январь

11-сонли

Б У Й Р У Қ И

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ХУЖЖАТЛАРНИНГ 10 КУН МУДДАТДА АЙЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида ижро интизомининг сифатли бажарилишини назорат қилиш, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва таълим муассасалари раҳбарларининг масъулияти ва жавобгарликларини янада кучайтириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, таълим муассасалари ҳамда идоровий мансуб ташкилотларда вазирлик томонидан қабул қилинган хужжатларни ўз вақтида ижро этиш механизми жорий этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида қабул қилинган хужжатларнинг ижро мониторингини юритиш жадваллари 1-иловага, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида қабул қилинган хужжатларнинг тизимда 10 кун муддатда бажарилиши схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари мудирлари, таълим муассасалари ҳамда идоровий мансуб ташкилотлар раҳбарларига:

уч кун муддатда вазирликдан келиб тушган хужжатларнинг ўз муддатида тақдим этилишини назорат қилиш бўйича масъул белгилаш ва масъуллар рўйхатини вазирликка тақдим этиш;

вазирликдан келиб тушган хужжатларни **2 кун муддатда** ижро учун қабул қилиш ҳамда идоровий мансуб ташкилотларга юбориш

ва ижросини назоратга олиб, мунтазам ҳисобини юритиш;

ҳар ойнинг 10-санасига қадар мазкур буйруқнинг 1-иловасига асосан вазирликдан келиб тушган ҳужжатларнинг ҳар ойлик мониторингини таҳлил қилиш ва натижаларини вазирликнинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, назорат ва таҳлил бошқармасига тақдим этиб бориш;

идоровий мансуб ташкилотларда ижро интизомини бажаришда сусткашликка йўл қўйган ва масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбар ва ходимларга нисбатан меҳнат қонунчилиги бўйича интизомий жазо чораларини қўллаш;

ҳар чорақда халқ таълими бошқармаларининг ҳайъат йиғилишларида ижро интизомининг аҳволини танқидий муҳокама қилинишини таъминлаш;

ҳафталик йиғилишларда мунтазам равишда вазирликдан юборилган ҳужжатлар ижросини таҳлил қилиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Ҳужжатлар ижроси бўйича маълумотларни ўз вақтида сифатли тайёрланишига ва вазирликка тақдим этилишига шахсан биринчи раҳбарлар масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

5. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, назорат ва таҳлил бошқармаси (К.Иноқов)га:

вазирликда қабул қилинган ҳужжатларнинг тизимда 10 кун муддатда айланиш механизми жорий этилиши муносабати билан икки ҳафта муддатда барча масъул шахслар учун ўқув-амалий семинар (видеосеминар) ташкил этиш;

вазирлик томонидан ижро учун қабул қилинаётган барча турдаги ҳужжатларнинг тизимдаги барча манфаатдор шахсларга ўз муддатида етказилишини таъминлаш;

ҳужжатлар ижроси бўйича мониторингини юритиш, бу борада тизимнинг энг қуйи поғонаси бўлган таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиб бориш ва таҳлил натижаларини вазирликнинг марказий аппарат ва ҳайъат йиғилишлари муҳокамасига киритиш вазифалари юклатилсин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Қ.Бектурдиев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

Халқ таълими вазирлигининг
2018 йил 11 январдаги 11-сонли буйруғига
1-илова

Халқ таълими тизимида директив ҳужжат (буйруқ)ларининг _____ (вазирлик ёки бошқарма номи) томонидан ижроси мониторинги

1 а-жадвал

№	Вазирлик томонидан иш- лаб чиқилган ҳужжат номи	3	4	5	6	7	8	9
1	Халқ таълими бошқармасига келиб тушган санаси ва кирим рақами	Хужжат рақами ва санаси	Халқ таълими бошқармаси томонидан ишлатиб чиқилган ҳужжат рақами ва санаси	Тўман (шаҳар) халқ таълими бўлимига келиб тушган санаси ва кирим рақами	Тўман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан ишлатиб чиқилган ҳужжат рақами ва санаси	Тўман (шаҳар) халқ таълими бўлими ва санаси	Вазирликка юборилган ҳужжат рақами ва санаси (халқ таълими бошқармасининг жавоби)	Вазирлик ҳужжати асосида амалга оширилган ишлар ёки амалга оширилмишлар лозим бўлган вазифалар (қўсқачна мақсадга қўйилган вазифалар ва амалга оширилган ишлар)

Изоҳ: Ушбу жадвал илоят халқ таълими бошқармалари томонидан умумлаштирилиб, Халқ таълими вазирлигига топширилади

Халқ таълими вазирлигига
2018 йил 11 январдаги 11-сонли буйруғига
1-илова

Халқ таълими тизимида директив ҳужжат (буйруқ)ларининг _____ (вазирлик ёки бошқарма номи) томонидан ижроси мониторинги

16-жадвал

№	Халқ таълими бошқармаси томонидан ишлаган чىقىلган хужжат номи	Хужжат рақами ва санаси	Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан ишлаган чىقىлган хужжат рақами ва санаси	Мақабга келиб тушган сана ва кىрим рақами	Мақаб томонидан ишлаган чىقىлган хужжат рақами ва санаси	Халқ таълими бошқармасига юборилган рақами ва сана-си (таърих) халқ таълими бўлими томонидан ишлаган чىقىлган хужжат рақами ва санаси	Ушбу хужжат асосида амалга оширилган ишлар ёки амалга оширилган ишларнинг физик ва маънавий ҳолати (қисқача мақсад ва натижаси)
1							

Изоҳ: Ушбу жадевал вилоят халқ таълими бошқармалари томонидан умумлаштирилиб, Халқ таълими вазирлигига топширилади

Халқ таълими вазирлигининг
2018 йил 11 январдаги 11-сонли буйруғига
1-илова

Халқ таълими тизимида директив ҳужжат (буйруқ)ларининг _____ (вазирлик ёки бошқарма номи) томонидан ижроси мониторингинг

2а-жадвал

№	Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат номи	3	4	5	6	7	8	9	w	11
1	Хужжат рақами ва санаси	Бажариш муддати	Халқ таълими бошқармасига келиб тушган санаси ва кирим рақами	Халқ таълими бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат рақами ва санаси	Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига келиб тушган санаси ва кирим рақами	Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат рақами ва санаси	Вазирликка юборилган ҳужжат рақами ва санаси (халқ таълими бошқармасининг жавоби)	Вазирлик ҳужжати асосида амалга оширилган ишлар ёки амалга оширилмаган ишларнинг лозим бўлган вазифалар (қисқача мазмун, илова-лар сон)	Бажариш муддати	Халқ таълими бошқармасига келиб тушган санаси ва кирим рақами

Изоҳ: Ушбу жадвал вилоят халқ таълими бошқармалари томонидан умумлаштирилиб Халқ таълими вазирлигига топширилади

Халқ таълими вазирлигининг
2018 йил 11 январдаги 11-сонли буйруғига
1-илова

Халқ таълими тизимида директив ҳужжат (буйруқ)ларининг _____ (вазирлик ёки бошқарма номи) томонидан ижроси мониторинги

26-жадвал

№	Халқ таълими бошқармаси томонидан ишлар бажариш ва санаси	Хужжат рақами ва санаси	Белгиланган вазифалар (қисқача маъно), шартлар ва шартлар	Бажариш муддати	Тўлиқ бажариш ва кирим рақами	Тўлиқ бажариш ва кирим рақами	Тўлиқ бажариш ва кирим рақами	Тўлиқ бажариш ва кирим рақами	Тўлиқ бажариш ва кирим рақами	Тўлиқ бажариш ва кирим рақами
1	10	9	8	7	6	5	4	3	2	1

Изоҳ: Ушбу жадвал вилоят халқ таълими бошқармалари томонидан умумлаштирилиб Халқ таълими вазирлиғига топширилади

Халқ таълими вазирлигининг
2018 йил 11 январдаги 11-сонли буйруғига
1-илова

Халқ таълими тизимида директив хужжат (буйруқ)ларининг _____ (вазирлик ёки бошқарма номи) томонидан ижроси мониторинг

За-жадвал

№	Вазирлик томонидан ўтказилган йиғилиш баёни	Йиғилиш баёни са-наси	Халқ таълими бошқармасининг йиғилиш баёни рақами ва санаси	Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг йиғилиш баёни рақами ва санаси	Вазирлик йиғилиш баёнида белгиланган вазифалар рақами, банди	Вазирлик йиғилиш баёнида белгиланган вазифалар	Белгиланган вазифаларни бажариш юза-сидан халқ таълими бошқармасида амал-га оширилган ёки амалга оширилмаётган ишлар	Вазирликка юборил-ган хужжат рақами ва санаси (халқ таълими бошқармасининг жаъвоби)
1		3	4	5	6	7	8	9
1								
2								

Изоҳ: Ушбу жадевал вилоят халқ таълими бошқармалари томонидан умумлаштирилиб Халқ таълими вазирлигига топширилади


Халқ таълими вазирлигининг
2018 йил 11 январдаги 11-сонли буйруғига
1-илова

Халқ таълими тизимида директив ҳужжат (буйруқ)ларининг _____ (вазирлик ёки бошқарма номи) томонидан ижроси мониторинги

3б-жадвал

№	Халқ таълими бошқармаси томонидан ўтказилган йиғилиш ва баён	Йиғилиш баёни санаси	Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг йиғилиш баёни рақами ва санаси	Мақаб йиғилиш баёни рақами ва санаси	Бошқарма йиғилиш баёнида белгиланган вазифалар рақами	Бошқарма йиғилиш баёнида белгиланган вазифалар	Белгиланган вазифалардан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимида амалга оширилган ёки амалга оширилмаётган ишлар	Халқ таълими бошқармасига юборилган ҳужжат рақами ва санаси (туман (шаҳар) халқ таълими бўлими рақами ва санаси)
1		4	5	6	7	8	9	10
1								
2								

Изоҳ: Ушбу жадвал туман (шаҳар) халқ таълими бўлиmlари томонидан умумлаштирилиб, вилоят халқ таълими бошқармасига топширилади



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2018 йил 8 январь

8-сонли

Б У Й Р У Қ И**ОТА-ОНАЛАРГА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ ЖАМОАСИНИНГ 2018 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
РЕЖА ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИНИНГ ТАҚДИМОТИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 3 январда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари фаолиятини таҳлил қилиш ва янги устувор вазифаларни белгилашга бағишланган йиғилишидаги умумий ўрта таълим тизимини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш, вояга етмаганлар тарбияси ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ўқувчилар давоматини яхшилашда ота-оналар ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришларни жойларда ота-оналарнинг сезиши учун қуйи бўғиндаги ишлар самарадорлигини ошириш барча раҳбар ва мутасаддилар фаолиятининг асосий мезонига айланиши зарурлиги ҳақидаги берилган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари деб юритилади) раҳбарларига:

жорий йилнинг 20 январь куни барча умумий ўрта таълим муассасаларида ота-оналар учун давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида 2018 йилга мўлжалланган режа ва устувор вазифалари, муассаса моддий-техник базаси, педагоглар салоҳияти, самарали таълим-тарбия жараёни, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича (тўғарақлар, спорт секциялари, ку-

тубхона фонди) яратилган шароитлар тўғрисида тақдимот (кейинги ўринларда тақдимот деб юритилади) ўтказиш;

барча ота-оналарни тақдимотларга жалб этиш чораларини кўриш, уларга жорий йил 17 январга қадар таклифномалар юбориш;

тақдимотга маҳаллий ҳокимликлар вакиллари, вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар аъзолари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, ҳудудий профилактика инспекторлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгаши аъзоларининг фаол иштирокини таъминлаш;

муассасада таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этишда педагоглар ва ота-оналарнинг ҳамкорлик йўналиши ҳамда ҳаракат режасини белгилаб олиш;

ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, уйга вазифаларини бажаришларида назоратни кучайтириш, ўқувчилар давома-тини яхшилашда ота-оналарнинг жавобгарлигини ошириш юзасидан ҳамкорликдаги вазифаларни белгилаб олиш;

ота-оналарга умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг давомати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари ва ҳудудий профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда қатъий назорат қилиниши, давомати паст ўқувчиларнинг ота-оналарига нисбатан жамоатчилик муҳокамаси ташкил этилиши ҳақида тушунтириш;

тақдимотни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш чораларини кўриш;

ушбу буйруқ нусхаларини умумий ўрта таълим мактабларига етказиш ва педагогик жамоаларга ўқиб эшиттириш ҳамда қилинган ишлар юзасидан маълумотлар ва фотолавлаларни жорий йилнинг 24 январига қадар Халқ таълими вазирлигининг Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармасига (tmdbb@xtv.uz) тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

2. Тақдимотда иштирок этиш учун ота-оналарга бериладиган таклифнома намунаси 1-иловага мувофиқ, тақдимотни ўтказиш бўйича тавсиялар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Н.Рўзиқулов)га ўтказилган тақдимотлар якуни бўйича жорий йилнинг 26 январига қадар ҳудудлардан олинган маълумотларни умумлаштириб, вазирлик раҳбариятига ҳисобот тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Қ.Бектурдиев зиммасига юклатилсин.

БИЗ ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ДАВЛАТ, ЯНГИ ЖАМИЯТ
ҚУРИШ ЙУЛИДА ҚАНДАЙ ИШ ҚИЛСАК
УЛАРНИНГ БАРЧАСИНИ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН
БАМАСЛАХАТ ҚИЛАМИЗ.

Хурматли _____

Ш.М.Мирзиёев

Сизни 2018 йил 20 январь куни соат _____ да
ташқил этилаётган **“Ота-оналарга умумий ўрта
таълим муассасаси жамоасининг 2018 йилда-
ги истиқбол режаси ва устувор вазифалари-
нинг тақдироти”** да иштирок этиш учун таклиф
этамиз.

ТАКЛИФНОМА

Сиздан фарзандингизга таълим-тарбия бе-
ришда, баркамол авлод қилиб тарбиялашда биз
билан ҳамкорлик қилишингизни сўраймиз.

МАКТАБ МАЪМУРИЯТИ

2018 йил

*Халқ таълими зиринине
2018 йил 6 январдаги
1-сон буйруғига
2-илова*

**Ота-оналарга умумий ўрта таълим муассасалари жамоасининг
2018 йилга мўлжалланган режа ва устувор вазифаларининг
тақдимотини ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Ассалому алайкум, ҳурматли ота-оналар!

Бугунги тақдимотимиз кун тартибига бугунги кунда энг долзарб бўлган 3 та масала киритилган.

Биринчи масала – фарзандларимизнинг таълим-тарбия олишлари учун яратилган шарт-шароитлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида.

Иккинчи масала – мактабда ўқувчилар давоматини таъминлаш ва таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги ҳамда келгусидаги вазифалар тўғрисида.

Навбатдаги масала – келгусида Сиз ота-оналар ва биз таълим муассасаси ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширишимиз лозим бўлган ишларимиз тўғрисида.

Авваламбор, мактабимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам. Мактаб 1961 йил қурилган, 2012 йилда капитал таъмирланган. Мактабимиз қуввати 860 ўқувчи ўрнига мўлжалланган бўлиб, бугунги кунда 1160 нафар ўқувчилар таълим-тарбия олади. Бу эса бино қувватига нисбатан контингент 1,3 коэффицентни ташкил этади. Мактабда жами 36 та синфлар бўлиб, улардан 12 таси бошланғич, 24 таси юқори синфлардан иборат.

Шунингдек, мактабимизда 47 нафар педагог ходимлар фаолият юритади. Улардан 28 нафари мутахассис, 14 нафари 2-тоифали, 5 нафари олий тоифали ўқитувчилардан иборат. Бу кўрсаткич, унча мақтангулик даражада эмас, чунки педагог кадрларимизнинг ўзи тоифа кўрсаткичларини оширишга интилишлари сушт. Бундан кўриниб турибдики айрим педагогларимиз ўз устида ишлашлари борасида лоқайдлик билан ёндашаётган ҳолатлар ҳам мавжуд. Шунингдек, рус тили, информатика ва информацион технологиялар, технология (ўғил болалар), бошланғич таълим, география фанлари ўқитувчиларга эҳтиёж мавжуд. Бу ҳам таълим сифатига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Мактабда жами 50 та турли хил тўгараклар мавжуд. Шундан 41 таси фан, 6 таси спорт йўналиши бўйича ҳамда 3 таси қизиқишларга оид тўгараклар.

Барча педагогларга бугундан бошлаб ҳар бир фан ўқитувчиси ҳафтасига бепул, яна бир маротаба такрорлайман бепул тўгараклар ташкил этади. Ушбу тўгаракларга ўқувчиларнинг қатнашини таъминлашда Сизларнинг ҳамкорлик қилишингизни сўрайман. Агарда ушбу жараёнга ҳамкорликда ёндашар эканмиз, фарзандларимизни бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда, уларнинг фанга ёки бирор бир касбга, ҳунарга бўлган қизиқишларини янада ривожлантиришда ҳисса қўшамиз.

Шу ўрунда бир савол туғилди. Ким фарзандининг охирги марта қачон ва қандай бадиий китоб ўқиганини билади?

Маълумки, бадиий адабиёт ўқувчининг фикрлаш доирасини, нутқини, дунёқарашини ҳамда саводхонлигини ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда, мактабимиз кутубхонасида жами 3470 та бадиий адабиётлар ва мутолаа учун шароитлар мавжуд. Лекин бирорта ҳам ўқувчининг дарсдан кейин шу кутубхонадан топиш қийин.

Ҳурматли ота-оналар, келинг бу борада бир-биримиздан айб қидирмасдан, биргаликда фарзандларимизнинг китоб мутоаласига бўлган қизиқишини кучайтирайлик, ўзларимиз маълум даражада ўрнатилган бўлайлик. Уларнинг бадиий асар ёки адабиёт ўқишларини йўлга қўяйлик. Мактабда, уйда, оилавий суҳбат жараёнида фарзандларимиз билан улар ўқиган бадиий китоблари ҳақида фикрлашайлик. Уларнинг ўқиган асаридан олган таассуроти, уларнинг асар қаҳрамонлари ва ундаги ҳолатларга бўлган муносабатини эшитишга ҳаракат қилайлик.

Яна муҳим масалалардан бири – бу болаларимизнинг дарс машғулотларига қатнаши ҳамда фанлардан берилган уй вазифаларини ўз вақтида бажаришлари ҳам талаб даражасида эмас.

Охирги маротаба фарзандангизни мактабга қандай ўқув қуроллари олиб кетаётганини ёки қайси фандан қандай уй вазифаси берилганлигини назорат қилганингизни эслай оласизми?

Бугундан бошлаб ўқувчиларнинг мустақил ишлашини ва излашини таъминлаш учун уларга фанлардан бериладиган уй вазифаларига мавзуга оид дарсликда қайд этилмаган қўшимча адабиётлар ёки бошқа манбалар асосида тайёрлашларини ва уй вазифаларининг бажарилиши бўйича ўқитувчилардан ота-оналар билан ҳамкорликда қатъий равишда кундалик назорат ўрнатишини талаб қиламан.

Давомат масаласида ҳам мактабимизда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Яъни фарзандларимизнинг дарсдан қочиш ёки Сизларнинг хабарингизсиз (сабабсиз) дарс қолдираётган вазиятларда биз педагоглар панжа остидан қараётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Шу ўринда, ҳар бир педагог ва ота-онадан ўқувчиларнинг дарс машғулотларига ўз вақтида киришларини, дарс пайтида ўқувчиларни кўча ёки турли интернет кафе ва шу каби жойларда кўрганамизда уларни мактабга олиб келиш чораларини кўришларини сўраб қоламиз.

Мактабимизнинг туман ёки ҳудуд миқёсида ўтказилаётган фан олимпиада ёки турли танловлардаги ўринларимиз сезиларли даражада эмас. Иқтидорли ўқувчиларимизни қизиқишларидан келиб чиқиб уларнинг қизиқишларини рағбанлантириб боришимиз, уларнинг қизиқиши ва иқтидорини намоён этишларига шарт-шароитлар яратишимиз керак. Ушбу йўналишда ишларни самарали ташкил этишда албатта, Сиз ота-оналар билан яқин ҳамкорлигимиз янада асқотади.

Хурматли ота-оналар, мактабимизнинг кираверишида фикр-мулоҳазалар учун қўти ташкил этилган. Бу бежизга эмас. Ташкил этилишидан асосий мақсад мактабдаги мавжуд шароит, таълим-тарбия жараёни ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича Сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз ва таклифларингизни ёзма равишда хоҳланг аноним тарзда, хоҳланг очиқ-ойдин тарзда олиш ва биргаликда ечимини топишдан иборат деб биламиз.

Афсуски, ушбу масалада ҳам ота-оналаримиз ва педагогларимиз томонидан сусткашлик мавжуд.

Хурматли ота-оналар, Сизлардан қуйидаги йўналишларда фикр ва таклифларингизни қўтиб қоламиз:

- мактабда болалар таълим-тарбия олишлари учун яратилган шарт- шароитлар, муаммолар ва ечими;

- ўқувчилар давомати, уни янада яхшилаш;

- дарс жараёнларининг ташкил этилиши, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими;

- таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора- тадбирларнинг натижадорлиги, яхшилаш бўйича таклифлар;

- ота-оналар ва таълим муассаса ҳамкорлиги ва уни янада мустаҳкамлаш тўғрисида ва ҳақозо.

Биз ишонамизки, мактабдаги таълим-тарбия жараёнини янада яхшилаш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдирасиз ва албатта “Фикр-мулоҳазалар” қўтисига Сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз ва ўринли таклифларингизни олиб ўқиб, биргаликда мактабдаги таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини янада яхшилашга эришамиз.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2018 йил 6 январь

6-сонли

Б У Й Р У Қ И**АНИҚ, ТАБИИЙ, ГУМАНИТАР ВА ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИДАН
ТАЯНЧ МАКТАБЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари давомида таълим тизимига оид берилган топшириқлар ижросини таъминлаш, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг метод кунларида уларга мунтазам равишда амалий-методик ёрдам кўрсатиб бориш, педагогик маҳоратини ва касбий малакасини ошириб бориш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини дарс жараёнларига татбиқ этиш, аниқ, табиий, гуманитар ва филология фанлари ўқитувчилари учун доимий ҳаракатдаги ўқув семинарлар ўтказиб боришни ташкил этиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Аниқ, табиий, гуманитар ва филология фанларидан таянч мактаблар (бундан буён матнда таянч мактаблар деб юритилади) рўйхати 1-иловага мувофиқ, аниқ, табиий, гуманитар ва филология фанларидан таянч мактаблар фаолиятини ташкил этиш ва уларда ҳаракатдаги ўқув машғулотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ, таянч мактаблар ва уларда ўқув машғулотларини ташкил қилиш бўйича вазирликнинг ишчи гуруҳи таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик жараёни ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров), Республика таълим маркази (М.Эсонов)га:

таянч мактабларини ўқитишнинг замонавий методлари асосида ишлаб чиқилган дарс ишланмалари ва методик тавсиялар билан таъминлаш;

фанлардан яратилаётган илғор иш тажрибалари, янги педагогик технологияларини, жумладан, кейинги ўқув йилларида фанлардан яратиладиган дарсликлар, ўқув методик адабиётларни таянч мактабларда тажриба-синовдан ўтказиш;

10 кун муддатда таянч мактабларда ташкил этиладиган ўқув машғулотлари учун намунавий ўқув-методик материалларни (услу-

бий кўрсатмалар, мустақил шуғулланиш бўйича топшириқлар, аудио-видео ресурслар, назорат, тарқатма ва бошқа материаллар, намунавий дарс ишланмаси) ишлаб чиқиш ва ҳудудларга етказиш;

намунали фаолият кўрсатаётган таянч мактабларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириб бориш ҳамда вазирликнинг расмий веб сайти ва Республика таълим марказининг www.rtm.uz сайтига жойлаштириш;

таянч мактаблар фаолиятига умумий ташкилий-методик раҳбарлик қилиш, уларнинг ишларини мувофиқлаштириш вазифалари юклатилсин.

3. А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (Н.Рахмонқулова)га:

Республика таълим маркази томонидан ишлаб чиқилган ўқув материаллари асосида масофадан ўқитиш порталида (www.masofa.uz) махсус ўқув курси ташкил этиш ва ундан тегишли таянч мактаблари фойдаланишлари учун шароит яратиш;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали жойларда фан ўқитувчиларнинг касбий эҳтиёжларидан келиб чиқиб мақсадли сайёр ўқув курсларини ташкил этиш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

4. Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров) Республика таълим маркази билан ҳамкорликда бир йилда икки марта (май ва декабрь) онлайн тест синовларини ўтказиш бўйича ташкилий чоралар кўрилишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

мазкур буйруқнинг 1-илоvasи билан тасдиқланган таянч мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, техник воситалар билан таъминлаш;

таянч мактаблар базасида ҳар ойда икки марта педагогларнинг метод кунларида тегишли фанлардан доимий ҳаракатдаги семинарлар ўтказиш, ўқитувчиларга доимий равишда амалий-методик ёрдам кўрсатиб бориш;

таянч мактабларга тегишли фан методистларини масъул этиб бириктириш, ўқув семинарларида малака ошириш курсидан ўтган илғор тажрибали ўқитувчиларни курсда олган янгилик ва тажрибалари билан ўзаро фикр алмашишларини ташкил этиш;

ҳудуддаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари билан ҳамкорликда таянч мактабларда ўқувлар ташкил этиш юзасидан ҳамкорлик режаларини ишлаб чиқиш;

фанлардан илғор иш тажрибаларни, янги педагогик технологияларни, жумладан, кейинги ўқув йилларида фанлардан яратиладиган дарсликлар, ўқув методик адабиётларни таянч мактабларда тажриба-синовдан ўтказиш;

таянч мактабларда зарурий шарт-шароитлар яратиш, илғор тажрибали, ташаббускор ўқитувчиларни ўрнатилган тартибда, амалдаги қонунчилик талаблари асосида рағбатлантиришни ташкил этиш;

ҳар бир мактабнинг кириш қисмида тумандаги таянч мактаблар, уларнинг илғор тажрибали ўқитувчилари ҳақида маълумотларнинг бўлишини таъминлаш;

ўқитувчилар томонидан билдирилган фикрларни ўрганиб чиқиш, умумлаштириш, мониторингини олиб бориш, илғор иш тажрибаларни оммалаштириш ва ўрнатилган тартибда ҳар чорак якунида Республика таълим марказига ахборот тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

6. Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев) Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари билан биргаликда таянч мактаблар фаолиятини намунали йўлга қўйган ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари масъул ходимлари, мактабларнинг раҳбар ходимлари, ижодкор, ташаббускор, фидойи ўқитувчиларни амалдаги қонунчилик талабларига асосан, ўрнатилган тартибда тақдирлаш юзасидан вазирлик раҳбариятига таклифлар киритсин.

7. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Н.Рўзиқулов), Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик жараёни ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров) тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда сайланма равишда ҳудудлардаги таянч мактаблар фаолиятини танқидий-таҳлилий ўрганиб, амалий методик ёрдам кўрсатиб борсин ҳамда ҳар чорак якунида вазирлик раҳбариятига ахборот киритсин.

8. Вазирликнинг Матбуот котиби ва “Маърифат”, “Учитель Узбекистана” газеталари таҳририятига таянч мактаблари томонидан амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан вазирликнинг 2017 йил 1 февралдаги “Умумтаълим мактаблари кимё фани ўқитувчиларининг касбий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш тўғрисида”ги 34-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Қ. Бектурдиев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У.Иноятов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ**

2017 йил 26 декабрь
2017 йил 26 декабр

76-сонли,
10-29 с-сонли

Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ХАМДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЎРТАСИДА
2015-2017 ЙИЛЛАР УЧУН ТУЗИЛГАН ТАРМОҚ КЕЛИШУВИНИНГ
2017 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИ ХАМДА 2018-2020 ЙИЛЛАР УЧУН
ТАРМОҚ КЕЛИШУВИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Хайъати ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият
ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши
Раёсати қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2015-2017 йиллар учун тузилган тармоқ келишувининг 2017 йилдаги ижроси бўйича маълумотнома ахборот учун қабул қилинсин (1-илова).

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2015-2017 йиллар учун тузилган тармоқ келишувининг 2017 йилда бажарилиши қониқарли деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2018-2020 йиллар учун тузилган тармоқ келишуви лойиҳаси бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2017 йил декабрдаги 55-сонли Эксперт хулосаси инобатга олинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон савдо-санотат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2017-

2019 йиллар учун қабул қилинган Бош келишув асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2018-2020 йиллар учун тузилган тармоқ келишуви тасдиқлансин (2-илова).

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарлари ҳамда Республика кенгашининг ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилари, туман, шаҳар кенгашлари раисларига:

- ушбу тармоқ келишувида белгиланган бандларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш;

- муассасаларда имзоланган жамоа шартномаларини тармоқ келишувлари билан мувофиқлигини таъминлаш;

- жамоа шартномаларига ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига оид меъёрлар киритиш;

- ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларининг 2017 йилдаги ижроси бўйича умумий йиғилишлар ўтказиш;

- тармоқ келишуви ҳамда жамоа шартномаларини ижросини таъминлаш борасидаги масъулиятни янада ошириш вазифалари топширилсин.

6. Тармоқ келишуви бўйича музокаралар олиб бориш ҳамда назоратини амалга оширувчи вазирлик ва Республика кенгаши комиссиялари зиммасига:

- ташкилот ва муассасаларда тармоқ келишуви билан жамоа шартномаларнинг мувофиқлигини, жамоа шартномаларнинг охириги тавсия қилинган макетларга мослигини ҳамкорликда йил давомида ўрганиб бориш ва қатъий назоратга олиш;

- жамоа шартномаларининг экспертизаси сифатини ошириш юзасидан ҳамкорликда мониторинг ўрнатиш ва ушбу масалада маълумотлар алмашиш;

- вазирлик тизимидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий ва ҳудудий институтлари ўқув дастурларига "Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари" мавзусини киритиш ва ўқув машғулотлари, давра суҳбатлари, тренинглари ташкил этиш;

- ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларни вазирлик ва Республика кенгаши Веб сайтлари ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

- мазкур келишув имзолангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан рўйхатдан ўтказиш вазифалари юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2015-2017 йиллар учун тузилган тармоқ келишувини қабул қилиш ҳақидаги 2015 йил 14 январдаги 2-сонли ва 14/170-сонли қўшма қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Қ.Бектурдиев ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ўринбосари Ш.Деҳқонов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазири

У. Иноятов

Ўзбекистон таълим,
фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши раиси

Р. Бедилов

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Хайъатининг 2017 йил “26” даги 76 - сонли ва
Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба
уюшмаси Республика кенгаши раёсатининг 2017 йил “ 26”
декабрдаги 1029- сонли қўшма қарорига 1-илова*

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда
Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюш-
маси Республика кенгаши ўртасида 2015-2017 йиллар учун
тузилган тармоқ келишувининг 2017 йил якуни бўйича амалга
оширилган ишлар юзасидан
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2015-2017 йиллар учун тузилган тармоқ келишувида қайд этилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида 2017 йил давомида муайян ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги Қонунлари, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-Саноат палатаси ўртасида тузилган Бош Келишув ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тармоқ касаба уюшма ташкилотлари ва халқ таълими муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий негизи бўлиб, ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида иш юритиш, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларининг янги йўналишларини жорий этиш, таълим соҳасида ижтимоий кафолатлар кўламини кенгайтириш ва таъминлаш каби долзарб вазифаларни қамраб олади.

Халқ таълими муассасаларининг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда таълимнинг миллий модели хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу тизимда таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш вазирликнинг асосий устувор вазифаларидан биридир. Жорий йилда ходимларнинг эгаллаб турган лавозимлари, мутахассислиги ёки дарс берадиган фанлари бўйича касбий ва педагогик маҳорати доимий равишда

ўсиб боришини, уларнинг илғор педагогик ва ахборот технологиялари, шунингдек ўқитишнинг интерактив усуллари бўйича касбий билимлари, малака ва кўникмалари мунтазам равишда янгилаб борилиши таъминланди.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг тажриба алмашиши ва илғор методларни оммалаштириш мақсадида республика миқёсида барча ҳудудларда “Маҳорат мактаблари” ташкил этилди. Бунда ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича мақсадли ўқувларни ташкил этишда ўқитувчиларнинг методик эҳтиёжини аниқлаш, ҳар бир лаборатория машғулотларини ўқитувчилар билан биргаликда ўтказиш ва хатоликларни ҳисоблаш, мураккаб масалаларни ечиш усулларини танлаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиши, уларни дарс жараёнига татбиқ этиш юзасидан маълумотлар беришга эътибор қаратилди. Вазирлик сайтида “Педагогик маҳорат устaxonаси” рукни очилган бўлиб, унда “Маҳорат мактаблари”, кўрик танлови ўз аксини топган. Чунки макетга бу меъёрлар киритилган. Меҳнат шартномаси ва бандлик қафолатларига оид 2409 та ташкилотда 7016 та мурожаатлар келиб тушган. Бу мурожаатлар деярли ижобий ҳал қилиниб, ҳуқуқий амалий ёрдамлар ва тушунтиришлар берилди. Меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий асослар тақдим этилди.

Халқ таълими вазирлиги фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, ҳамюртларимизнинг соҳага оид таклиф, мулоҳаза ва аризаларини зудлик билан кўриб чиқиш, қолаверса, тизимда олиб борилаётган ислохотлар борасида жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида Халқ таълими вазирининг виртуал қабулхонаси (www.vazir.uzedu.uz) ишга туширилди. Бугунги кунда фуқаролар Халқ таълими вазирлигига: Халқ таълими вазирининг виртуал қабулхонаси; “Ишонч телефони” 10-06; info@xtv.uz электрон почта манзили орқали; бевосита раҳбарият қабулига кириш орқали мурожаат қилиши ва қисқа муддат ичида ўз саволларига жавоб олиши мумкин.

Энди бевосита Халқ таълими вазирлигига жисмоний ва юридик шахслардан бўлган мурожаатларга қисқача тўхталиш мақсадида бир ой давомидаги мурожаатларни таҳлил қиламиз. Жорий йилнинг 31 май ҳолатига вазирликка жами 5566 та мурожаатлар келиб тушган.

Энг кўп мурожаатлар **Қашқадарё** (769 та), **Тошкент шаҳар** (725 та), **Тошкент** (688 та), **Фарғона** (677 та) **Андижон** (488 та) **Сурхондарё** (419 та) ва **Навоий** (396 та) вилоятларидан келиб тушган.

Жорий йилнинг апрель (1201 та) ва май (997 та) ойларида келиб

тушган мурожаатларни таққосласак, уларнинг умумий сони камайган.

Президент виртуал қабулхонасига келиб тушган аксарият аризалардаги муаммоларни деярли 80 фоизи жойлардаги раҳбарлар томонидан ҳал этиладиган масалалардан иборат.

Мурожаатларнинг мазмуни бўйича таҳлил қилинса, энг кўпи таълим муассасалари ходимларининг ҳатти-харакатларидан норози бўлиб қилинган мурожаатлар (1057 та), ишга тиклаш ва иш билан таъминлаш (846 та), мактабгача таълим муассасалари тўғрисида (719 та) масалаларга тўғри келмоқда.

Халқ таълими вазирлиги томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, уларнинг қонун доирасида кўриб чиқиши, имкон қадар ижобий ҳал этилиши доимий назоратга олинган бўлиб, вазирлик мазкур мурожаатлар оқимини камайтириш йўлида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Айрим мурожаатлар бўйича вазирлик ва Республика кенгашидан иборат ишчи гуруҳ ҳамкорликда ишлади.

36-банд: Ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар рўйхати ва улар учун иш вақтининг 36 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати тизимда амал қилаётган барча жамоа шартномаларида белгиланган.

44-банд ижроси юзасидан 4782 нафар ходимларнинг аризаларига биноан, иш берувчи билан келишувга кўра ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаган иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши ҳолатлари кузатилди.

46-бандда келтирилган тизимда энг кам иш ҳақи миқдори 2016 йилнинг 15 декабрда оширилди ва 2017 йилнинг 1 декабрига қадар шу меъёр сақланди. Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик юзага келмади. Жамоа шартномалари орқали ҳар бир ходимга сарфланган ўртача маблағ миқдори 1116,8 минг сўмни ташкил қилди.

49-бандга кўра, иш берувчилар томонидан ходимларнинг касбий маҳорати, бажараётган ишининг сифатлилиги, ташаббускорлиги, ҳукумат топшириги бўйича гуруҳ аъзоси сифатида хизмат сафарларида бўлиши, жамоат ишларидаги фаоллиги, ўрганиб чиқилиб, малакали мутахассислар тақризи олинди. Ўқув-услубий қўлланма Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Ўқув-услубий кенгашга тасдиқлаш ва чоп этиш учун тақдим қилинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ўқитувчи-тренерларни тайёрлаш” бўйича лойиҳасига кўра Республика кенгаши мутахассисларига айнан Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари бўйича тренинглар ўтказиш юклатилган.

А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институтида ҳар ойда иш берувчилар учун Халқаро меҳнат стандартларини татбиқ этиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш масалаларига оид ўқув машғулотлари ва тренинглар ташкил қилинмоқда.

102-банд: иш берувчилар томонидан 4332 нафар аёлларга малака ошириш ва қўшимча маълумот олиш ҳуқуқидан фойдаланиш учун имкониятлар яратиб берилди, тиббий хулосага мувофиқ 420 нафар ҳомиладор аёлларга енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш ўринлари ажратилди ҳамда ҳомиладор аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди.

111-банд ижроси бўйича 4 та ташкилотда 36 нафар кам таъминланган, чин етим, етим ва ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар касба уюшма қўмитасининг қарори асосида бепул талабалар турар жойларида жой билан таъминландилар.

114-115 бандлар: 1563 та ташкилотда 3487 нафар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш жойларида қўнимлилиги мониторинги олиб борилди. Амалиёт ўтаётган ва дастлаб иш бошлаган битирувчилар учун иш берувчилар томонидан моддий кўмак берилди.

Келишувнинг маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий тарғибот ишлари бўлимида келтирилган бандлар юқори савияда бажарилган. Вазирликнинг фаолият йўналишларидан бири маданий-маърифий тадбирлар ташкил қилиш бўлганлиги учун тизимдаги ташкилотлар томонидан жуда кўп тадбирлар ташкил қилинган.

Бу каби тадбирларни ташкил қилиш, ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш, ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, уларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш масалалари тармоқ касба уюшма ташкилотлари ва вазирлик тизимидаги муассасаларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади.

*Вазирлик ва Республика
кенгаши ишчи гуруҳи*

Bosh muharrir:

Mahmudov Sarvar Yuldashevich

Bosh muharrir o'rinbosari v.v.b:

Umaraliyeva Muhayyo Abdugaparovna

Mas'ul kotib:

Tashxanov Nurbek Aybekovich

Badiiy muharrir:

Mamasoliyev Akbarali Hamzayevich

Tahrir hay'ati:

Ulug'bek INOYATOV, Sobitxon TURG'UNOV, Dilshod KENJAYEV,
Risboy JO'RAYEV, Hikmatilla RASHIDOV, G'ayrat SHOUMAROV,
Ma'rufjon VAXOBOV, Quadratjon INOQOV, Namoz RO'ZIQULOV,
Fayzulla AHMEDOV, Shavkat SHARIPOV, Maqsudjon YULDASHEV,
Islom ZOKIROV, Alisher ZOKIROV, Hikmatilla DAMINOV

Tahririyat manzili: 100159. Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 5-uy.
E-mail: xalq_talimi@xtv.uz Tel.: (0 371) 239-27-14, 239-15-40. Faks: 239-27-11

Jurnal O'zMAA tomonidan 2015-yil 3-iyunda ro'yxatga olinib, 0852-raqamli
guvohnoma berilgan.

Buyruq va ularning ilovalari to'liq, o'zgartirishsiz chop etilmoqda. Jurnal
tahririyatning kompyuter bo'limida terilib, sahifalandi.

"Maktub print" MChJ va "Adad plyus" MChJ bosmaxonalari
hamkorlikda chop etildi.

Toshkent shahri, Shayhontoxur tumani, Navoiy ko'chasi, 30-uy
Toshkent shahri, Bunyodkor shox ko'chasi 28-uy

Bosishga ruxsat etildi: 02.02.2018-y. Qog'oz bichimi 84x108 1/32.

Ofset bosma usuli. Shartli b.t. 7,0. Adadi 28 993 nusxa.

-buyurtma.

Bahosi kelishilgan narxda.

Ushbu songa mas'ul – Reyimbayeva Shoira Zaripbayevna